Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

4-йил чиқиши
7 ИЮНЬ, 1969 Й
ШАНБА
№ 133 (897).
БАҲОСИ 2 ТИЙИН

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

Эртага—енгил саноат ходимлари куни

ТЎҚУВЧИ, каштачи, тикувчи, косиб, гилам тўқувчи каби кўҳна касблар чуқур тарихга эга. Ана шу касб эгаларини эслар эканмиз уларнинг революцияга қадар ҳаёти — шамчироқ ёнида қадди букилган аёлларимиз, майда ҳунармандлар, мунгли куйлар хотирамиздан бир-бир ўтади.

Совет ҳокимияти қарор топгандан сўнг уларнинг меҳнат шароитлари тамомила ўзгарди. Қўлбола ускуналар ўрнига ҳозир кишилар йирик комбинат ва фабрикаларнинг кенг ва ёруғ цехларида, автомат-машиналарда, поток линияларда ишламоқдалар.

Ана шу корхоналарнинг ҳаммаси бизнинг индустриямизни — совет кишиларини тўла-тўкис кийинтираётган, ҳаётимиз учун зарур бўлган минглаб буюмлар ишлаб чиқараётган енгил саноатимизни ташкил этади. Фақат шу йилнинг ўзидагина мамлакатимизда 9 миллиард квадрат метр газлама, 640 миллион жуфт пойафзал ишлаб чиқарилади.

Бизнинг замонавий, хушбичим ва чиройли кийимликларга бўлган талабимиз тобора ошиб бормоқда. Ана шу талабимизни қондириш учун минглаб мутахассислар лабораторияларда, тажриба цехларида, поток линияларда ишламоқдалар.

Ана шуларнинг ҳаммасини бизга энг кўҳна ва энг ёш саноат — енгил саноат ходимлари етказиб бермоқда.



Шаҳримиздаги «Учқун» тўқимачилик галантерея фирмасининг ишчилари кенг халқ истеъмол товарларини кўплаб ишлаб чиқармоқда.

СУРАТДА: тўқимачилик цехининг зарбдор тўқувчиси Муҳаббат Рихсиева кашта тўқиш пайтида.



● *Бизнинг интервью*

ҚЎШИҚ АЙТГИМ КЕЛАДИ

Товву НАСАНБУЯН,
композитор.

«Пахтакор» стадионида фестиваль очилиши маросими эди. Шундай улкан жойни 50 минг одам тўлдириб ўтирганига қойил қолдим. Улар ўз қардошларининг ҳурматини бажо келтиришар экан.

Фестиваль бошланганига ҳам 8 кун бўлди. Бу кунлар қандай тез ўтиб кетганини билмай қолдим. Ҳар куни ўйин-кулги, самимий суҳбат, гаштли саёҳатга мафтун бўлиб фестиваль охирлаб қолганини ҳам сезмабмиз.

Мен композитор бўлганим учун ҳам, дўстлик йиғинидан яхши таассурот олдим, халқларимиз тантанасини куйга солиб, баралла қўшиқ айтгинг келади. Уйга боргач, шу ҳақда албатта ўйлаб кўраман.

ТЕХНИКА ИШТИЁҚИ

Б. ААХУ,
чўпон

Тошкент дўстлик фестивалига йўлланма олганимда ишим қалашиб ётувди. Баҳорда совлиқларим қўзилаётганди.

Отаримда ҳаммаси бўлиб 800 та совлиқ бор. Улардан шунча қўзи олдим.

Бу ерга келаётганимда ишимдан кўнглим тўқ эди.

Келгусида менинг мақсадим техникани эгаллаш. Чорвачилик ишларида техникадан фойдаланиш яхши экан. Буни Ўзбекистон хўжаликларида ўз кўзим билан кўрдим. Шунинг учун ҳам биринчи навбатда трактончилик касбини ҳам ўрганишга жазм қилдим.

Фестиваль руҳини табриклайман. Чиндан ҳам унинг ҳушхабарлари фақат Ўзбекистондагина эмас балки бепоён советлар диёрида ва менинг ватаним Монголияда ҳам қувончли байрамдек таралиб кетди.



«Байғал» рақс ансамблининг ўйинчиларидан Светлана ва Константин Холбаевлар бурят-монгол халқ рақсини ижро этмоқдалар.



СУРАТДА: Красноярск шаҳридан келган «Сибирь» халқ рақс ансамблининг раққосалари ўзбек дугоналари билан рақс ўрганмоқдалар.

Яна кўришгунча

ПУРЕВДОРЖ,
Улан-Батордаги опера ва балет театрининг солисти.

Шарқ халқларида «Бахтли хонадонда ҳамиша қўшиқ янграйди» деган ажойиб гап бор.

Монголияда ҳар бир хонадонга қадам ранжида қилсангиз қўшиқ овозини эшитасиз. Ўзбекистонда ҳам худди шундай экан. Қаерда бўлмайлик у ерда қўшиқ янграйди.

Ҳа, қўшиқ фақат кишиларнинг шунчаки овунчоғи бўлмай, балки бугунги бахтли ҳаётни тараннум этади. Болалик чоғимдаёқ қўшиққа ихлос қўйганман. Аймоқларда бўлган тўй ва ҳашамларда уста санъаткорлар айтган қўшиқлар қулоғимга қуйилиб қолгандай.

Қўшиқ мени санъатга етаклади. Ҳозир опера театрида жаҳоннинг етук композиторларининг асарларида қатнашяпман.

Қўшиқ мени Тошкентга, дўстлик фестивалига ҳам етаклаб келди.

Навоий номли ўзбек давлат академик катта театрида берилган концертда репертуаримдаги асарлардан ижро этдим.

Театр биноси ўзининг гўзаллиги билан менга ёқиб қолди.

Артист бўлсам ҳам кинони севаман. Киноаппарат билан фестиваль учрашувларини суратга олдим. Фестиваль ҳақида фильм яратиш ниятидаман.

Яна кўришгунча ҳайр дўстлар!

● *Бир корхона янгиликлари*

ЧИРЧИҚ МАШИНАСОЗЛАРИ ҲУЗУРИДА

«Узбексельмаш» заводининг асбобсозлик цехидаги механизация бўлими мутахассисларидан иборат группа «Чирчиксельмаш» заводида экскурсияда бўлди. Улар ўз ҳамкасбларининг шу кунларда олиб бораётган ишлари билан яқиндан қизиқиб танишдилар.

Ҳозирги пайтда «Узбексельмаш» заводида асбобсозлик хўжалигини янада кенгайтириш ва машиналарни бўяб қуритиш ишларини кенгайтириш кўзда тутилмоқда. Бунинг учун маҳсус ишлаб чиқариш корпуси қурилди.

Тошкентлик машинасозлар Чирчиқда бўлишганида машиналарнинг бўёғини радиация усулида қуритиш жуда ҳам қулай усуллардан бири эканлигига ишонч ҳосил қилдилар. Улар шу тажрибани ўрганиб, ўз корхоналарида қўллашга аҳд қилдилар. Булардан ташқари, асбобсозлик хўжалигида ишни ташкил қилиш, штамп, пресс ва мосламаларни ишлаб чиқаришни ихтисослаштиришни ҳам ўрганиб қайтдилар.

Болалар ороми

Корхона ишчи-хизматчиларининг 260 фарзанди шаҳар атрофидаги «Восток—2» пионер лагерига кузатиб қўйилди. Улар бу оромгоҳга биринчи марта боришаётгани йўқ. Пионерлар ўтган йили ҳам шу лагерь қучоғида мириқиб ором олишган эди.

Болаларни лагерда қизиқарли жойларга саёҳатлар қилиш, огонёклар ўтказиш ва бир неча қизиқарли ўйинлар кутмоқда.

КИЙИМЛАРГА ЙЎЛЛАНМА

Тошкент модалар уйида Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлигининг Тўқимачилик ва трикотаж саноати бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Н. И. Авцин раислигида бадиий советнинг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда республика савдо министрлиги ва Тошкентдаги барча савдо ташкилотларининг вакиллари қатнашдилар.

Бадиий совет трикотаж фабрикаларида шу йилнинг иккинчи ярмида ишлаб чиқаришга мўлжалланган маҳсулотларнинг янги намуналарини кўриб чиқди. Айниқса синтетика, табиий толадан тайёрланган аёлларнинг кўйлаклари, трикотаждан тикилган аёлар кўйлаги, шунингдек жикет ва жемперлар маъқулланди. Бу янги маҳсулотларни ишлаб чиқаришга рухсат берилди.



СУРАТДА: «Ташсельмаш» заводи 15-механика йиғув цехининг мастери Георгий Зубков билан прессловчи Жога Десинялар маҳсулот сифатини кўздан кечиряптилар.

Б. Мамин фотоси.

● *Пойтахт меҳмонлари*

НОВОСИБИРСК САНЪАТКОРЛАРИ

Куни кеча Свердлов номли концерт залида Новосибирск оперетта театрининг гастролларни бошланди. Томошабинлар етук санъат усталарининг маҳоратини қизғин қарши олдилар.

Оперетгачилар фақат Тошкентдагина эмас, балки Совет Иттифоқининг энг йирик шаҳарларида ўз санъатларини муваффақият билан намойиш қила олганлар.

Дўстларимиз Тошкент томошабинларига «Қизарган рябина», «Робин Гуд», «Мистер Икс», «Сильва», «Марица», «Кўршапалак», «Қувноқ бева», «Лўли барони» каби бир қатор асарларни кўрсатадилар.

● *Шаҳримиз янгиликлари*

Бинокорлар ҳиммати

Бугун Ўзбекистон кўрлар жамиятига қарашли 1-ишлаб чиқариш комбинати ишчи-хизматчиларининг фарзандлари қурувчилардан яхши совға олдилар. Чилонзор массивининг 9- кварталида қурилган 140 ўринли болалар комбинатида эркатойларнинг мириқиб дам олиши, тарбияланишлари учун барча шароит муҳаё этилган.

Болаларнинг ота-оналари «Главташкентстрой»га қарашли 6-қурилиш треста 33-қурилиш бошқармаси бинокорларининг ҳимматидан хурсанд бўлдилар.

Илк қадамлар

«Ташгипрогор» институтининг залида 3 ёшдан 12 ёшгача бўлган болаларнинг ижодий иш кўргазмаси очилди. Бу кўргазмага болаларнинг қалам ва акварель билан чизган расмлари, турли қирқмалардан епиштириб ясаган композициялари қўйилган.

6 ёшлик Т. Николаева, С. Мирошникова, 7 ёшлик В. Фадин, 10 ёшлик С. Захаровларнинг ишларини томошабинлар катта қизиқиш билан кўрмоқдалар.

Янги қурилма

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг давлат конструкторлик бюросида қуёш нурларидан металларни эритиш ва ундан қуюв цехларида, бошқа ишларда фойдаланиш мақсадида янги универсал қурилма лойиҳалаштирилиб, тайёрланди.

Бундан ташқари, конструкторлик бюросининг экспериментал устахонасида «ХВ-17 М» маркали пахта териш машиналарининг дастлабки намуналари ишлаб чиқилди. Бу «Зангори кемалар»нинг эски моделлардан фарқи шуки, янги машинанинг конструкциялари жуда ҳам қулай тузилган. Янги машинани бўлакларга ажратмасдан туриб, унинг шпинделли барабанларини бемалол тузатиш мумкин.

Конструкторлик бюросининг ижодкорлари саноат мақсадлари учун мўлжалланган газ, горелкаларнинг бир неча туркумларини лойиҳалаштириб, ишлаб чиқдилар. Уларнинг ишланиши содда бўлиб фойдаланишда ишончлидир. Уларнинг айрим намуналари Бутуниттифоқ кўргазмаларида намойиш этилиб тақдирланди.

ТАЙЁРЛОВ КУРСЛАРИ

Ашхободдаги туркман давлат университетининг катта ўқитувчиси Хидир Оқмуродов Тошкентдан ўз диёрига жўнаб кетди. У Ленин номли Тошкент Давлат университетининг химия факультетида тайёрлов курсини муваффақиятли тугатди. Курсни Ўрта Осиё республикалари олий билим даргоҳларининг бошқа ўқитувчилари ҳам битиришди.

Университетнинг факультетларида ҳам ана шундай курсларни юзлаб мутахассислар битириб чиқишди. Олий билим даргоҳи мутахассислар тайёрлаш билан бирга қардош республикалар институтларининг ўқитувчилари малакасини ҳам оширмоқда.

Кекса маърифат ўчоғи келгуси йили 50 ёшга тўлади. Ҳозир университетнинг бу тўйига қизғин тараддуд кўрилмоқда.



СУРАТДА: марказий статистика бошқармаси республика ҳисоблаш марказининг ишчан ходимлари цех бригадири Надежда Павлова ва катта оператор Антонина Резникова ўртоқлар. Улар статистика ахборотларини перфолентага тушнрмоқдалар.

А. Тўхтахўжаев фотоси.

ЭҲНГРГИ ГАЗЕТАЛАРДА

◆ КЕЧА МОСКВАДА, КАТТА КРЕМЛЬ САРОЙИДА КОММУНИСТИК ВА ИШЧИ ПАРТИЯЛАРНИНГ ХАЛҚАРО КЕНГАШИ ЎЗ ИШИНИ ДАВОМ ЭТТИРДИ. Унда кун тартибидаги биринчи масала — Ҳозирги босқичда империализмга қарши кураш вазифалари ҳамда Коммунистик ва ишчи партияларнинг барча антиимпериалистик кучларнинг ҳаракат бирлиги муҳокама қилинди.

◆ 6 июнда, Кремлнинг съездлар саройида РСФСРда Украина адабиёти ва санъати декадасининг якунловчи концерти бўлди. Унда Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ва Совет ҳукуматининг раҳбарлари, Москвадаги халқаро Кенгашда иштирок этаётган қардош коммунистик ва ишчи партияларнинг раҳбарлари ҳозир бўлдилар.

◆ Бухарестда Ўзаро Ёрдам Кенгаши қишлоқ хўжалиги бўйича доимий комиссиясининг 27-мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда Кенгаш аъзолари бўлган мамлакатларнинг — Болгария, Чехословакия, Венгрия, Германия Демократик Республикаси, Монголия Халқ Республикаси, Польша, Румыния, ва Совет Иттифоқининг делегациялари иштирок этдилар.

ФАРЗАНДЛАР ХОТИРАСИ

Куни кеча Чилонзор районида тарихий ва маданий ёдгорликларни сақлаш жамияти район Советининг ҳисобот конференцияси бўлиб ўтди. Конференцияда жамият раиси, район ижроия комитети раисининг ўринбосари Қ. Бурхонхўжаев доклад қилди.

Ҳисобот йиғилишида сўзга чиққан барча нотиқлар қисқа вақт ичида бир қатор диққатга сазовор ишлар бажарилганлигини гапириб ўтдилар.

Ҳозирги пайтда Чилонзор районида жамоатчилик асосида ташкил қилинган 21 та музей ишлаб турибди. Улардан бири оташин революционер Фигельскийнинг ҳаёти ва фаолиятига бағишланган. Бу музейни 184-мактаб ўқувчилари тайёрлашган.

Яқинда қардош Польшадан келган кинематографчилар музейда бўлиб, унинг ранг-баранг экспонатларини суратга олишди. Поляк киночилари бу революционер ҳақида фильм тайёрлашаётган экан.

1942 йили мамлакатимизда Улуғ Ватан уруши бошланган дақиқада районнинг Олмазор кўчасидан бир неча нафар йигитлар фронтга йўл олишган эди. Уларнинг айримлари жанг майдонларида қаҳрамонлик кўрсатиб ҳалок бўлдилар. Маҳалла аҳли ўз фарзандларининг хотирасини абадийлаштириш мақсадида кўчага улкан ёдгорлик обидасини ўрнатди.

Район маданий ёдгорликларини сақлаш жамиятининг сафларида 23,5 минг киши бор.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

Ўзбекистон ССР Олий Советининг бешинчи сессияси 6 июнда ўз ишини давом эттирди.

Эрталаб соат 10 да Олий Совет раиси депутат **С. Ҳ. Сирожиддинов** раислигида республика Олий Советининг учинчи мажлиси очилди. Сессия кун тартибидаги учинчи масала — «Ўзбекистон ССРнинг никоҳ ва оила тўғрисидаги кодексининг лойиҳаси тўғрисида» Олий Совет қонун лойиҳаларини тайёрлаш комиссиясининг раиси депутат **М. Қорнев** доклад қилди.

Шу масалани муҳокама қилишда депутатлардан **Т. Т. Шодиева** (406-Чекшўра сайлов округи), **Д. Ешимбетов** (455-Шуманай сайлов округи), **З. Исроилова** (84-Келес сайлов округи), **С. Х. Пўлатхўжаев** (176-Кэраскон сайлов округи), **М. П. Зотова** (334-Жетгисай сайлов округи), **Т.Рўзибоев** (151-«Правда» сайлов округи), Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги юридик комиссия раиси **М. С. Восиқова** қатнашдилар.

Сессия иштирокчилари томонидан кодекс лойиҳасига киритилган мулоҳаза ва қўшимчалар Олий Советнинг қонун лойиҳалари тайёрлаш, фан ва маданият, халқ маорифи, соғлиқни сақлаш ва социал таъминот, ёшлар иши бўйича доимий комиссияларнинг сессиянинг танаффус вақтида биргаликда ўтказилган мажлисларида қараб чиқилди. Мана шу муҳокема натижаларини қонун лойиҳалари тайёрлаш комиссиясининг Раиси депутат **М. Қорнев** ўзининг якунловчи нутқида баён қилиб берди.

Олий Совет «Ўзбекистон ССРнинг никоҳ ва оила тўғрисидаги кодексини тасдиқлаш тўғрисида»ги қонунни бир овоздан тасдиқлади.

Шундан кейин кун тартибига қўйилган тўртинчи масалани — Ўзбекистон ССР Олий Совети тўртинчи сессиясида доимий комиссиялар ҳамда депутатлар томонидан киритилган таклифларнинг қандай бажарилаётганлигини муҳокама қилишга ўтиб, Олий Совет Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раиси депутат **Ф. Қурбоновнинг** докладини тинглади ва тегишли қарор қабул қилди.

Кун тартибидаги бешинчи масала — Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми фармонларини тасдиқлаш тўғрисида республика Олий Совети Президиумининг секретари депутат **Р. Сахибоев** доклад қилди.

Сессия муҳокамасига киритилган фармонлар бир овоздан тасдиқланди ва Олий Совет тегишли қонунлар ва қарорлар қабул қилди.

Олий Совет Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари **М. Турсунович** ташқи ишлар мичистри қилиб тайинлаш тўғрисида қарор қабул қилди.

Депутат **П. И. Кавтаров** Республика қурилиш материаллари саноати министри қилиб тайинланганлиги муносабати билан Олий Совет уни Олий Советнинг қурилиш ва бинокорлик материаллари саноати доимий комиссияси аъзолиги вазифасидан озод қилди.

Сессия иштирокчилари баланд руҳ билан коммунистик ва ишчи партияларнинг Москвада бўлаётган халқаро кенгашига табрикнома йўлладилар. Ettinчи чақирик Ўзбекистон ССР Олий Советининг бешинчи сессияси шу билан ўз ишини тамомлади.

ЭРТАГА—ЕНГИЛ САНОАТ ХОДИМЛАРИ КУНИ

Ленинча меҳнат вахтаси

СИФАТ ВА УНУМДОРЛИК

Пиллакашлик фабрикасининг коллективи янги техниканы ишлаб чиқаришга жорий этиш ҳамда қўл меҳнати талаб қиладиган иш жараёнларини механизациялаштириш юзасидан бир қанча тадбирларни амалга оширди.

КЗ—150—ШЛ машинасидан чиққан пишириллган пиллаларни РК—750—ШЛ машинасига етказиб беришда ўрнатилган халқасимон конвейер, ҳар бир станокда ўралиб чиқаётган пилла толаларини ташиб беришда қўлланилган гидротранспортёр, рангли металлдан тайёрланган тола тутамлайдиган човли ўрнига капрондан ишланган човли қўлланилганлиги, ювиш машиналари ўрнатиш кабн ўндан ортиқ тарбирларнинг амалга оширилганлиги иш жараёнини, меҳнат унумдорлигини ошириш билан бирга қўл меҳнатини анча камайтирди ва кўпгина ишчиларни бошқа ишга ўтказиш имконини берди.

Ҳозир фабрикадаги барча ишларнинг 83,3 процентни механизация йўли билан бажарилмоқда. Шу туфайли барча кўрсаткичларимиз қувончли якунланмоқда. Ўтган беш ойда пландаги 18200 килограмм ўрнига 18432 килограмм ипак толаларни тайёрланиб, ишлаб чиқариш планн 101,3 процент қилиб бажарилди. Маҳсулот реализация қилиш плани эса, 101,4 процент адо этилди. Ёки пландан ташқари 14 минг сўмлик сифатли ипак толаларн реализация қилинди.

Коллективимиз ишлаб чиқариш ва реализация планларини доимо ошириб адо этиш билан бирга, айниқса маҳсулот сифатига катта эътибор бериб келмоқда. Ҳозир пландаги 47 процент ўрнига 53,4 процент биринчи сорт ипак толаларн тайёрлашга эришилди.

Бу йил фабриканинг пилла ўраш цехида меҳнатни илмий ташкил этишнинг битта планн ишлаб чиқаришга жорий этиладн. Планга кўра йилига 11 минг сўм шартли фойда олинади, 8 ишчидан бошқа ишларда фойдаланиш имконн вужудга келади ва меҳнат унумдорлиги 1,3 процент ортади. Йил бошидан буён малакали ишчиларнинг 2,5 ўрнига 4 тадан станокка хизмат қилаётганликлари ва 85 ишчининг аралаш касбни эгаллаганлиги 3·5 минг сўмни тежаш имконнни берди.

Фабриканинг ҳар бир цехи бўйнча йиллик план асосида ойлик план тузилади. Унда кундалик маҳсулот ишлаб чиқариш графиги белгиланади. Аниқ план асосида иш юритилаётганлиги ва сифатга эътибор берилаётганлиги туфайли фабрика 1964 йилдан буён брак маҳсулот ишлаб чиқармаётир, Техника контроли бўлимн ва меҳаллий касаба союз ташкилотнинг вакиллари иштирокида вақти-вақти билан «Сифат куни» ўтказиб турилганлиги брак маҳсулот ишлаб чиқаришга қарши кураш йўлида жиддий таъсир кўрсатяпти.

Ўтган йили фабрикада пландаги 40 ўрнига 115 ёш ишчига касб ўргатилди. 85 ишчи малакасини оширди. 1969 йилнинг ўтган беш ойи мобайнида пландаги 62 ўрнига 90 кишига ҳунар ўргатилди. Асосий ишчи кадрларнинг аралаш касбни эгаллашларига катта эътибор берилмоқда. Ўтган йили 61 киши, бу йил бошидан буён 85 киши аралаш касб ўрганди. Бу тадбирнинг амалга оширилиши туфайли ҳозир 6 та пилла ўраш серняси пландаги 2,5 ўрнига 4 тадан, қолган сернялар 3 тадан станокка хизмат қиляпти.

Бундай юқори кўрсаткичларга эришишда 60 дан ортиқ коммунистни ўз сафига бирлаштирган Тўлқин Фахриддинов секретарлик қилаётган фабрика партия ташкилоти ишчилар ўртасида катта тарбиявий ва ташкилий ишлар олиб бориши билан яқиндан кўмаклашмоқда. Ёш коммунистлардан Фотима ва Зуҳра Қодировалар, Зеби Тешабоева, Ҳалима Ҳакимова, Зуҳра Фатхулина ва бошқалар меҳнатда пешқадамлик қилиб бошқаларга ўрнак бўлмоқдалар.

Фабрикада бир цех, бир смена ва 21 та бригадада коммунистик меҳнат номн билан 275 кишн меҳнат қиляпти. Коммунистик меҳнат зарбдорларининг сони 340 кишига етди, 195 кишн ана шу номни олиш учун курашмоқда. Бир участка, уч цех, 11 бригада ва бир смена коммунистик меҳнат коллективи номнни олиш йўлида фидокорона курашмоқда.

Коллективимиз беш йиллнкнинг тўртинчи йилн план топшириқларини муддатидан уч кун илгари бажариш, пландан ташқари 20 минг сўмлик маҳсулот реализация қилиш, 600 килограмм ипак ишлаб чиқариш каби мажбуриятларини ўз вақтида бажаради. Уларнинг меҳнат ютуқлари — доҳий Ленин туғилган кунининг 100 йиллигини муносиб кутиб олишга бағишланган.

Эртага нишонланадиган енгил саноат ходимлари кунига ажойиб меҳнат туҳфалари тайёрлаган коллективимиз сифат ва унумдорлик йўлида курашни давом эттирмоқда.

М. Ш. МИРҚОСИМОВ,
Пиллакашлик фабрикасининг директори.



Тошкентдаги «Учқун» тўқимачилик галантерея фирмасининг меҳнат аҳли турли хил кенг халқ истеъмоли бўлган маҳсулотларни кўплаб ишлаб чиқараётир.

СУРАТДА: корхона 1-филиалининг пешқадам тўқувчиларидан Д. Аҳмаджонова билан С. Васильюк тўқима кашта тайёрлаш устида ишламоқдалар.

Рационализаторлар таклифи асосида

«Учқун» тўқимачилик галантерея фирмасида штапелдан рўмол ишлаб чиқаришнинг янги технологияси жорий этилди. Илгариларн рўмолларга ишчилар алоҳида-алоҳида столларда ўтириб гул босар эдилар. Энди эса иккита гул босиш столида бир йўла ўн тўрт рўмол тайёр бўлади.

Янги конструкциядаги гул босиш столининг яна битта қулайлиги бор. Стол қуруқ, буғ билан қизитилади. Тайёр маҳсулот алоҳида қуритиш бўлимларига олиб кириб ўтирилмайди. Ҳамма иш бир ернинг ўзида бажарилади.

Бадиий-галантерея цехининг бошлиғи А. Садирин, тажриба устахонасининг бошлиғи Б. Алаев ва химия лабораторияси мудири Г. Свитневлар таклиф этган бу янгилик йилига 20822 сўм фойда келтиради.

ИЗЛАНИШ НАТИЖАСИ

Эртага нишонланадиган енгил саноат ходимлари куни муносабати билан Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлигининг кўн-пойафзал саноати Бош бошқармасида бўлдик. Бошқарманинг бош инженери Абдулла Тўлагановдан кўн ва пойафзал саноати корхоналарининг меҳнатчилари енгил саноат ходимлари кунини қандай меҳнат ютуқлари билан нишонлаётганликлари, беш йиллик план топшириқларини муддатидан илгари бажариш ва В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигини муносиб кутиб олиш юзасидан қандай ютуқларга эришаётганликлари ҳақида сўзлаб беришини илтимос қилдик.

— Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлиги кўн-пойафзал саноати Бош бошқармаси корхоналарининг коллективлари беш йиллик планини муддатидан илгари бажариш йўлида барча имкониятлардан тўла-тўкис фойдаланмоқдалар,— деди Абдулла Тўлаганов.— Беш йилликнинг сўнгги йили — В. И. Ленин туғилган кунининг юз йиллигини муносиб нишонлаш юзасидан янги оширилган социалистик мажбурият қабул қилинди.

Корхоналарнинг коллективлари ленинча вахтада туриб меҳнат қилиб, май ойида пландан ташқари 423,5 минг сўмлик маҳсулот реализация қилдилар. Йил бошидан бери планга қўшимча реализация қилинган маҳсулот эса, бир миллион 565,3 минг сўмни ташкил этади.

Кўн-пойафзал саноати корхоналарининг коллективлари эришган ютуқлар фақат шуларгина эмас. Улар техниканн такомиллаштириш, қўл меҳнатини механизациялаштириш борасида ҳам катта ютуқларга эришмоқдалар. Йил бошидан буён ишлаб чиқаришга жорий этилган 9 та янги техникадан 172 минг сўм иқтисодий фойда кўриладиган бўлди.

Ўтган йил тежалган 3 миллион дециметр хром ва 1,5 миллион квадрат дециметр таг чармлардан 200 минг жуфт пойафзал тайёрланди.

Беш йиллик фондини тўлдаш учун бошланган иқтисодий тежамкорлик юришида корхоналарнинг рационализаторлари ва ихтирочилари айниқса жонбозлик кўрсатмоқдалар. Ҳозир рационализаторларнинг сони 250 кишидан ортиб кетди. Буларнинг юздан ортиғи Тошкентдаги «Ўзбекистон» кўн ишлаб чиқариш бирлашмасида. 1—2-пойафзал фабрикаси ва кўн-галантерея фабрикасида ижодий изланиш билан шуғулланаётган кишилардир.

Тошкентдаги «Ўзбекистон» кўн ишлаб чиқариш бирлашмасининг рационализаторлари шу йилнинг ўтган тўрт ойида 42 та фойдали таклиф киритдилар. Булардан ишлаб чиқаришга жорий этилган 32 таклиф йилига 44 минг сўм иқтисодий фойда келтиради.

Дастлабки тўрт ойда бошқарма бўйича тақдим этилган 292 таклифнинг 140 таси ишлаб чиқаришга жорий этилиши туфайли 142 минг сўмлик иқтисодий фойда кўриладиган бўлди. Бундай тежамкорликка эришишда юқорида айтиб ўтганимиздек, 1—2-пойафзал, кўн-галантерея фабрикаси ва бошқа корхоналарнинг ижодкор коллективлари муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

1-пойафзал фабрикасн 5-цехининг бошлиғи Л. А. Читалин, унинг ёрдамчиси М. М. Прусаков ва Д. Холиков ҳамкорликда қимматли таклиф киритдилар. «ФУП» машинасида бир йўла икки операцияни бажарадиган шлифовкалаш айланасининг кўлланилишни тавсия этдилар. Муаллифлар таклифи бнлан икки кишини бошқа ишга ўтказиш ва йилига 2500 сўм иқтисодий фойда олишга эришилди.

Байрамга ёруғ юз билан келган кўн-пойафзал саноати корхоналарининг коллективлари йиллик план топшириқларини муддатидан илгари бажариш ва доҳий В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигини муносиб кутиб олиш йўлида ленинча меҳнат вахтасини давом эттирмоқдалар.

А. ОБИДХЎЖАЕВ.



Тошкентдаги 2-пойафзал фабрикасининг пойафзалчилари енгил саноат ходимлари байрамини муваффақият билан якунлаш учун баракали меҳнат қилаётирлар.

СУРАТДА: 6-цехнинг конторлёри Эркин Ҳакимов ва жойловчи Лидия Биценко тайёр маҳсулотни кўздан кечирмоқда.

ЖАМОАТЧИ-КОНСТРУКТОРЛАР

- Меҳнат енгиллашди, унумдорлик ортди
- Таклифлардан келган бойликлар
- Кумуш медалга сазовор бўлганлар

Жамоатчилик асосида ишловчи конструктор бюролари (ЖКБ) дастлаб «Уралмашзавод» ва Первоуральск заводларида ташкил қилинган эди. Свердловликлар бошлаган бу ватанпарварлик ташаббуси тез орада мамлакатимиз бўйлаб кенг қўлоч ёйди. Ҳозир шаҳримиздаги кўпгина йирик саноат корхоналарида бундай бюролар ишлаб турибди.

Комбинатнинг инженер-техник ходимлари ҳам бу ташаббусни ялдилик билан қўллаб-қувватладилар, корхонада жамоатчилик-конструкторлик бюролари ташкил қилинди. Бу бюролар рационализатор ва ихтирочилар киритган таклифларни ишдан бўш вақтларда конструкторлик асосида ишлаб чиқиш, автоматлаштириш лойиҳаларини ижодий ҳал этиш, эскирган ускуналарни комплекс такомиллаштиришда ёрдам беришга қарор қилдилар.

Жамоатчилик асосида ишловчи конструкторлик бюролари ҳам новаторлар кенгашига ўхшаш ижодий меҳнатнинг янги шакли бўлиб, у инженерларга, конструкторларга, технологларга ва новатор ишчиларга корхонада техника тараққиётини янада авж олдириш, ижодий изланишларни амалда тадбиқ этишда чексиз имкониятлар яратиб берди.

ЖКБнинг аниқ иш плани бор. Бу план умумкомбинат ташкилий-техникавий плани билан узвий боғланган бўлиб, техника кенгаши томонидан тасдиқланади. Айрим темаларни биргаликда ҳал қилишда жамоатчи конструкторлар жалб этиладн. Иш планида янги таклиф намуналарини тайёрлаш ва синовдан ўтказиш ҳамда бу ишни бажариш учун жавобгар кишилар белгиланади.

Ҳозир комбинатда 10 та ЖКБ ишлаб турипти. Шулардан тўққизтаси фабрикаларда бўлиб, ўнинчиси умумкомбинат ЖКБси ҳисобланади. У барча фабрикалардаги ЖКБ ларни бирлаштирган бўлиб, уларнинг ижодий ишларига раҳбарлик қилади.

Комбинат жамоатчи конструкторлик бюролари ҳал қилаётган муҳим темалар корхонада техника тараққиётини жадаллаштириш имконини бермоқда. Ишчиларнинг меҳнат шароитларини яхшиламоқда.

Масалан, газламага гул босиш фабрикасида ЖКБнинг 13 кишидан иборат бир группаси тук куйдириш машинасини газ ёрдамида ишлашга мослаштириш билан шуғулланди. Илгари хом сурпдаги тукларни куйдирувчи бу машиналарнинг валлари қорамой ёқиб қиздирилардн. Тук куйдиргичларнинг қорамой билан 800—900 градусда қиздириш катта қийинчиликлар туғдирарди: яхши фильтрланган ва машинага қўйишдан илгари қиздирилган қорамой керак бўларди. Шу билан бир қаторда ёнилғини пуркаб туриш учун бугун тўхтовсиз қўл билан, ёнилғининг томишига қараб созлаб турилардн. Ҳар куни иккита тук куйдириш машинасида 2,1 тонна ёнилғи (йилига 644 тонна) ва 15 тоннадан ортиқ буғ сарфланарди.

Бундан ташқари, ёнилғи билан ишланганда тук куйдириш машиналари ўрнатилган хона доим ифлосланарди, хонани тозалаш учун қанчадан-қанча лахтак сарфланарди.

Тук куйдириш машиналарини газ билан ишлашга мослаштириш бўйича «Узгипролегпром» ишлаб чиққан лойиҳада машинанинг ўзи реконструкция қилинмаган бўлиб, таклиф этилган газопровод схемаси ва горелкалар типи бу машиналарда фойдаланиш хусусиятларини эътиборга олмаган ҳолда ишланган эди.

Тук куйдириш машиналарининг табиий газда нормал ишлашини таъминлаш учун пардозлаш фабрикасидаги жамоатчи конструкторлик бюросининг аъзолари — фабрика директори В. Емелин, мастер П. Бурцев, ремонт бўлимининг бошлиғи М. Мамашева, бош конструктор И. Носов, буғ-шамоллатиш бўлимининг бошлиғи С. Оффенгенден, газлаштириш бўйича мастер В. Мосин, лойиҳачи инженер А. Юткевич ва бошқа ўртоқлар қатор мураккаб конструкторлик масалаларини ҳал қилдилар.

Газ билан ишлай бошлаган иккита машинада барча процесслар муваффақиятли бажарилди. Бу таклифнинг амалга оширилиши корхонага йилига 29 минг сўмлик маблағни тежаш имконини берди.

Ип-галтак фабрикасидаги ЖКБ аъзолари — ремонт бўлимининг бошлиғи А. Асулгариев ва катта мастер ёрдамчиси С. Аблаев ғалтак сифатсиз ўралган ипларни ип ўраш автоматларида қайта ўрашни таклиф қилдилар.

Илгари алоҳида машинада бажариладиган бу иш ип ўраш автоматларида умумий иш билан параллель равишда олиб бориладиган бўлди. Янги мосламанинг жорий этилиши илгари брак ипларни қайта ўровчи 11 ишчини ва бир мастер ёрдамчисини бошқа ишга кўчириш имконини берди. Фабрика шу таклифнинг ўзидан йилига 13,7 минг сўмлик фойда кўрадиган бўлди.

Иккинчи тўқув фабрикасидаги ЖКБ аъзолари — инструктор Ф. Игумнова ва ремонтчи В. Наумовнинг ижодий ҳамкорлиги ҳам яхши натижа берди. Бу ҳнодкорлар АТС—В—200 ва АТС—3—200 маркали тўқув дастгоҳларн учун ячгина водилка тайёрладн. Бу, ўз навбатида тўқув дастгоҳларида узилган ипни улашни бир мунча тезлаштирди. Таклиф амалда қўлланилгач, бир йилда планга қўшимча 44677 метр хом сурп тўқишга эришилди.

Комбинатнинг биринчи тўқув фабрикасидаги ЖКБ ҳам яхши ишламоқда. Бу фабриканинг жамоатчи конструкторлари — И. Фозилаҳмедов ва П. Акимовлар ҳамкорликда АТ—100—5М станокларига ишлатилаётган алюминий қисмларни АФ—44 флюси билан газли пайвандлаш усулини ишлаб чиқдилар ва амалда қўлладилар. Таклиф асосий қисмларнинг чидамлилигини анча оширди ва йилига 1977 сўмлик тежам берди.

Бу ўринда шу фабриканинг Ленин орденли инструкторлари Садди Пўлатова билан Любовь Светашованинг ҳамкорликда олиб борган синов ишлари тўғрисида ҳам айтиб ўтиш керак.

Дастгоҳда танда ипи узилиши биланоқ у тўхтайди. Тўқувчи маршрут бўйича ҳар бир дастгоҳдаги узилган ипни улашга кўп вақт сарфлайди. Узулиш кўпайса унумдорлик пасаяди. Тўқувда айниқса кўп учрайдиган ҳошия ипларининг узулишини камайтириш узилган ипларни дастгоҳни тўхтатмасдан улаш мумкинмикан?

Узоқ изланиш ва синовлардан кейин С. Пўлатова билан Л. Светашова бу саволга «мумкин» деган жавоб беришди. Улар узилган ҳошия ипларини станокларни тўхтатмасдан улаш усулини ишлаб чиқдилар. Ҳисоблаб кўрилганда узилган ҳошия ипини 25—26 секундда улаш натижасида ярим йил давомида 24 дастгоҳда планга қўшимча 21600 метрдан ортиқ газлама тўқиш мумкинлиги аниқланди. Бу рақам бир тўқувчи ярим йилда тўқийдиган маҳсулотнинг тўртдан бир қисмини ташкил этади. Бутуниттифоқ халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмаси Садди Пўлатова ҳамда Любовь Светашованинг бу самарали ишини юқори тақдирлади. Уларнинг иккаласи ҳам кўргазманинг Кумуш медали билан мукофотланди.

А. ВАЛИЕВ,
«Тўқимачилар овози» кўп нусхали газетасининг масъул секретари.

Янграйвер, қўшиқ!

Журналист ён дафтаридан



Бугун жуда барвақт уйғондим. Кўнглим ҳам тинч, ҳам қаяжонда эди. Бунинг боиси нима эканини яхши билардим. Бу севинч ўшанда совет-монгол ёшларининг учинчи фестивали қуёшли республикамизда бўлишини эшитган куним пайдо бўлганди. Энди шу севинч ҳар куни мен билан ошно бўляпти. Фестиваль кунлари яна дўстлар билан учрашяпман, яна ва яна Мўғулистон ерида бўлиб ўтган иккинчи фестиваль кунларини эсляпман.

Бизни ўз бағрига олган Хонд шаҳрчамиз, Шарингол кўмир кони, Дарханда қурилган цемент ва гишт заводлари, йигит-қизлар табассумли ота-оналар меҳри, бўйнимизга боғланган пионер галстуги-ю, ва қатто «Салом фестиваль» қўшиғимиз эсга тушяпти. Менга яқин бўлиб қолган Монхо ва Томорбаторларни эслайман. Ревсомол Марказий Комитетининг секретари ўртоқ Батани ўз онаюртимда кўрганимдан севинаман.

Мўғул тупроғида ён дафтаримга ёзиб қўйган сатрларимнинг айримларини ўқийман.

...Кўнчилик борган жойида покиза ва табаррук из қолдиришни истайди, албатта. «Бугун шон-шуҳрат тепалигига чиқамиз!» дейишганида барчамиз шошиб қолдик. Орадаги дам олиш соатларининг тезроқ ўтишини истардик.

Ниҳоят кутилган вақт етиб келди. Дарханнинг шундай биқинчнасидаги бу ажиб жойга сукланиб-суқланиб боққинг келади. Аммо..: аммо бу ерда бўлиш муддатимиз анча қисқа. Шунинг учун қалб изимизни қолдирмоққа шошилишимиз керак. Токи биздан бир неча йиллар кейин келган одамлар ҳам: «Ҳа, буларда юрак бор экан; курашувчан юрак бор экан»,— десинлар!

Оппоқ тошлар йиғини ёнига бордик. Шу топда у бизнинг губорсиз қалбимиз рамзидек савлат тўкиб турарди. Орадан бир неча дақиқа ўтар-ўтмас оқ тошлар тапир-тупир ҳаракатга келиб кетди. Тепалик ёнбағрида дастлаб улар брикмасидан ҳарфлар, сўнг ҳамма учун азиз бўлиб қолган сўз пайдо бўла бошлади. У икки тилда ёзилганди: «Найрамдал!» «Дўстлик!» Буни биз совет-монгол дўстлиги 2 фестивали қатнашчилари ёзардик.

22 август оқшомининг ўзига хос овози ва юмуши бор эди. Ишқилиб, адашиб келган булутлар, тезроқ ўтиб кетишсину, юлдузлар жамолини кўрсатсин.

Табиат-табиат экан-да! Бир ўжарлик қилиб берса борми, қўлингдан ҳеч нарса келмай қоларкан. Ҳаво ёмасин, деган оқшомимиз ёмғир чунонам қуйиб бердики, асфальт йўлларида ўрдак сузиши мумкин эди. Ҳайрият, ёмғир ўкириб-ўкириб тўкилди-да, бир пасда тиниб қолди.

Энди шаҳарнинг марказий майдонига йиғилишимиз мумкин. У ерга маҳаллий аҳоли тўпланарди.

Дўстлик гулхани ёкилди. У тунда шунчалар шиддаткор кўринар, осмони фалакка интилиб, авжга минар, одамларга: «Мен қалб ўтингизман, ҳароратимни сиздан олляпман!» — деяётгандек бўларди. Одамлар эса «Ён, ёнавер, дўстлигимиз кўрки бўлиб ён!» — дердилар.

Автобусларимиз карвони бизни тонг билан узоқ-узоқларга элтиб кетди. Манзилимиз шунчалар олисда, йўлимиз шунчалар машаққатли эдики, тўхтаб-тўхтаб, сайр этардик. Мен учун ҳозирги бу «машаққатининг ўзгача гашти, латофати бор эди. «Мен кўҳайинман!» деб кекканб ётган йўл, унинг бағрини ёриб ўтган шу кўримсизгина йўл ўзимизнинг Мирзачўлни эслатарди. У ҳозир фестиваль қатнашчилари кўзига ҳайбатли кўриняптики, гўё бўйсундириш амримаҳолдай!

Аммо уни бўйсундирибдилар. Манманснраган чўл бағрига ҳаёт, нур, қнскаси, ёшлик олиб кирибдилар. 1959 йилда партия чақириғига кўра, Мўғулистоннинг ҳамма аймоқларидан ревсомоллар оқиб кела бошлашибди. Мана, энди «Дархан» госхозини кўриб, ҳавасингиз келади.

Бу ерда бекор туриб қолмадик. Партия ташкилотининг секретари ўртоқ Доржнинг суҳбатини тинглагач, пичан ўришга тушиб кетдик. Унинг ўз гашти бор эди...

Сўнгра қимиз тутдилар бизга!..

Яна автобусларга чиқиш, яна чўл... чўл... чўл!.. Бирдан қулоғимизга «Манжерок» қўшиғи чалина бошлади. Борган сари у яқинлашаверди. Энди сўзлари дона-дона эшитилардн:

Бунчалар қалбимизга яқинсан, қўшиқ, она юртимизни эслатиб юбординг бизга! Бугина эмас, сен бизга совет-монгол ёшларининг биринчи фестивалини ёдга солдинг...

1 фестиваль СССРнинг Манжерок шаҳарчасида бўлиб ўтган. Ўша жўшқин кунларда шу қўшиқ бунёд этилган.

Кейин билсак, радио-автобусимиз мўлжалланган жойга биздан олдин етиб келиб, кутиб олаётган экан. Бизни яна бошқалар — чавандоз қизу-йигитлар кутишарди. Улар орасида ўн икки ёшлик бола ҳам бор. У тўлпар отга миниб олган... Елкаси эгар кўрмаган отни сиртмоққа олишнинг ўзи зўр машаққатли иш экан. Монгол йигитлари шу вақтгача эркин юрган от ва тойчаларни истаганнигизни тутиб, арқонини қўлингизга ушлатишлари мумкин. Шундай қилдилар ҳам.

Фестивалда машҳур совет композитори Александр Аверкин ҳам қатнашарди. Биз ижро этаётган қўшиқларимизнинг кўпини у ёзган эди. Атайлаб, ёшлик анжуманимизга атаб!

Энди чинни билан охирлаб қолган фестиваль кунларни ҳеч ким унутмайди. Саркарда Суҳэ-Батор мозорини зиёрат қилганимизни ҳам, ҳатто, бизнинг болалар монгол миллий курашида иштирок этиб юрганларни, ни ҳам унитмаймиз.

Суҳэ-Батор шаҳрида фестивалимиз ёпилишига бағишланган митингга тўпланарканмиз, шулар ҳақида ўйлардим.

Ревсомол Марказий Комитетининг биринчи секретари Ч. Пурэвжаннинг сўзлари ҳаммамизнинг кўнглимиздагини ифодаларди:

— Бу фақат ёшлар байрамигина эмас, совет-монгол ёшлари дўстлигининг катта тантанасидир.

Фестиваль байроғи туширилди.

Мана Тошкентда шу байроқ қилпираб турибди. У ҳаммани дўстлик ва тинчлик қўшиғини куйлашга ундаяпти! Янграсин шу қўшиқ!

Яйра САЪДУЛЛАЕВА.



Бу икки қардош мамлакат ёшларининг навбатдаги дўстлик форуми ўзбек диёри узра барапла янграмоқда.

СУРАТДА: фестивалга Ватанимиз пойтахтидан келган ҳаваскор ёшлар ижодий коллективининг талантли ёш санъаткорлари «Зоринька» термасини ижро этишмоқда.

М. Нуриддинов фотолари.



● *Ёзнинг иссиқ кунларида*

ҒИЛДИРАКДАГИ САЁҲАТЛАР

Жазирама кунлар бошланиши билан меҳнат отпускасини олиш палласи авж олляпти. Ҳамма ўз отпускасини энг салқин ва гўзал жойларда ўтказишни истайди. Бировни денгизларнинг манзараси мафтун этса, бошқалар ўрмонга, балиқ овига йўл олишади.

Ўзбекистон саёҳатчиларидан катта бир группаси мана бир неча кундан бери туристик поездда мамлакатимиз бўйлаб саёҳат қилляпти. Улар Москва кучоғида бўлишди, Минск, Вильнюс, Рига, Таллин шаҳарларини завқ билан томоша қилишди.

Яна бир ҳафтадан кейин ана шундай поезд Тошкент вокзалидан қўзғалади. Саёҳатчилар мамлакатимизнинг ўнта шаҳрида бўлишади. Улар 20 кун мобайнида Харьков, Киев, Ленинград ва бошқа шаҳарларнинг меҳмони бўлишади.

Тошкентдаги саёҳатлар ва экскурсиялар бюроси ана шундай сафарни ташкил қиляпти. Бюрода сафар йўлланмаларини сотиш қизғин.

«...Юрган дарё» дегандарича бор. Саёҳатдан қайтиб келаётганларнинг таассуротлари жуда ҳам яхши, кайфиятлари тетик. Биз сизни ана шундай саёҳатларга таклиф қиламиз.

Э. ФУРМАН,
Тошкент саёҳатлар ва экскурсиялар бюроси директорининг ўринбосари.

РЕПОРТАЖ

УМРИ ЧИНОРЛАР

Табиат қудрати, мўъжизалари ва тантилиги беқиёсдир. У яратган барча мўъжизаларга инсон ақли ҳайратда қолади. Мексика билан Австралия мамлакатларида ўсадиган кипарис ва макромация деган дарахтлар X—XV аср. ўзимизнинг чинорлар VII—VIII аср умр кўради, оддий тимсоҳ ва тошбақа эса 200—300 йилгача яшайди... Табиат оламида бундай узоқ умр кўрувчилар ҳақида кўплаб мисоллар айтиш мумкин.

Инсон-чи? Инсон деган улуғ зотнинг умри қисқалигини ўйлаган табиат тантилигига қойил қолиб бўлмайди, албатта. Лекин инсон бир аср, ундан кам ёки кўпроқ яшар экан, жамият тараққиётига қўшган ҳиссаси, билим-онги, келажак ёш авлодни чин инсон қилиб етказиши билан ўз умрини узайтиради ва бундан фахрланади.

Бахтли ҳаётимизда инсон умри тобора узайиб бораётганини кўриб, ҳис этиб турибмиз. Меҳнаткаш ва заҳматкаш халқимизнинг саломатлиги, фаровон яшаши учун ҳамма шароит яратилган. Она-Ватанимиз тинч, халқимиз тинч, оиламиз тинч, демак бахтлимиз. Бизда ўртача умр 70 ракамни кўрсатиб турибди.

Куни-кеча биз Октябрь районидаги маҳаллаларда бўлиб, бир аср умр кўраётган онахон ва отахонлар билан суҳбатлашдик.

Фурқат номли маҳалланинг Истироҳат кўчасидаги 35-уйда Ойпошша Ҳамидова деган онахон яшайди. Ойпошша она 1870 йилда Тошкентда туғилган. Унинг икки қизи бор. Катта қизи Ёқидаой Хўжаева 70 ёшда, кенжаси Лаъли Ваҳобова 54 ёшда.

Онахон билан суҳбатлашдик.

— Соғлигим бойлигим,— деди у.— кўзимнинг нури ўткир, болам... Нина-қавиқ ишларини қилиб ўтирибман. Ишқилиб бахтимга қизларим, невара-чевараларим ўлмасин, дейман, шуларнинг догини кўрмай.

Ойпошша онанинг фарзандларини, невара ва чевараларини ҳисобладик. Ҳаммаси 35 киши экан.

Сағбон кўча Олча проездидаги 21-уйда Мажид ота Нурмуҳамедов билан ҳамсуҳбат бўлдик. Нуроний бу отахон 1870 йилда Тошкентнинг «Чувалачи» маҳалласида косиб оиласида туғилган.

— Ўзимни доим тетик сезаман, иштаҳам жуда яхши, соғлигим ҳам яхши.

Мажид ота нимагадир хўрсиниб қўйиб да, сўнг давом этди:

— Ёшим 100 га тўляпти, лекин юракда тўртта догим бор... Гитлер билан бўлган урушда тўрт азамат ўғлимдан ажраганман. Ҳар бирининг ўлими юрагимга доғ бўлиб қолган. Агар уруш бўлмаганда, фарзандларимнинг догини кўрмаганимда 200 йил яшардимми дейман. Лекин азаматларимдан қолган фарзандлар ҳозир ота-сининг ўрнини босиб қолди.

Сағбон кўчасидаги 15-тупикнинг 11-уйида Сандмад ота Расулов яшайди. Биз отахон хонадонига кириб келганимизда унн боғ ичида айланиб юрганини кўрдик.

— Гулларга парвариш қиляпман,— деди отахон табассум билан,— озгина бекор қолсам зерикаман, болам. Ҳовлининг гулзорига «меваларига қараб овинаман.

Сандмад ота ўтмиш ҳаётидан бир шингил гапирди:

— Қора кунларда, 1870 йилда Бўстонлик қишлоғида туғилдим. Отам деҳқон эди. Эсимни топдиму, елкамга кетмон тушди, қаро терларга ботиб ишладим... Октябрь инқилоби бўлиб қолди, биз ҳам ёруғликка чиқдик. Колхоз тузиш. ёт унсурларга қарши кураш ишларида қатнашдим. Шундан кейин, бахтли ҳаётим бошланди, уй-жой қилдим, бола-чақа орттирдим.

Сандмад отанинг ўғилларн, қизлари ва невара-чевара л а р и халқ хўжалигининг турли соҳаларида фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Унинг 40 дан ортиқ дилбандлари бор.

Фурқат номли маҳалланинг Шамсия кўчасидаги 34-уйда Гиёсхон ота Сирожхонов яшар экан. Бу нуроний отахон Тошкентнинг Шайхонтовур даҳасида деҳқон оиласида туғилган.

— Октябрь инқилобидан кейин шўро ҳукумати идораларида хизматчи бўлиб ишладим,— деб эслайди Гиёсхон ота.—Октябрь инқилобида қатнашганман. Бухорода халқ судьяси сифатида босмачиларга қарши курашларда иштирок этдим. Кейинчалик 1920 йилдан бошлаб Сирдарёда халқ судьяси бўлиб ишладим.

Гиёсхон ота ҳозир пенсионер, у ўз ҳовлисида гул ва турли мевали дарахтларни парвариш қилади, доим бардам ва тетик юради. Ўзининг айтишига қараганда, умрида бирор марта ҳам оғир касал бўлиб ётмаган. «Одамни меҳнат чиниқтиради, мен меҳнат билан тетикман» деди Гиёсхон ота.

Биз Сағбон кўчасидаги Қўштут проездининг 21-уйида бўлдик. Бу хонадонни «Нуроний қариялар уйи» десак ҳеч бир муболага эмас. Хонадоннинг энг кекса онаси юз ёшга қадам қўйган Роқия буви Умарованинг. У Тошкентнинг «Қўштут» маҳалласида деҳқон оиласида туғилган. ёшлигида деҳқончилик билан шуғулланган, Октябрь инқилобидан кейин колхозлаштириш ш д а актив иштирок этган.



О. Ҳамидова.

М. Нуряхамедов.

Роқия бувининг олти фарзанди бор. Уларнинг ҳаммаси тетик ва бардам. Энг катта ўғли Раҳмат Умаров —77 ёшда, болалар боғчасида боғбон; қизлари Ҳожар —72 ёшда, Ҳидоят —65 ёшда, Тожихон —60 ёшда. ўғиллари: Иноят —53 ёшда, кенжатой Ҳусан — 48 ёшда.

Роқия буви катта бир дафтарга оиласидагиларнинг исм-шарифини, туғилган пайтларини ёзиб қўйган. Унинг 85 та невара-чевараларн, эваралари бор экан.

— Болали уй — бозор,— дейди кампир,— ўрик ширин, ундан данаги ширин, ундан ҳам мағизи ширин, деган гап бор, болаларим. Фарзандларимнинг фарзандлари шундай ширинки, уларнинг кулги-қувончлари мени яшартиряпти.

Юз ёшга қадам қўйган онахон ва отахонларимизнинг бахтли, ирибадавлат яшаётганини кўриб, чексиз қувондик. Уларга яна узоқ умр, саломатлик, оилаларига тинчлик ва фаровонлик тиладик.

Т. РАСУЛЕВ.
Т. ТЎРАҚУЛОВ.

Санъаткорларимиз

30 ЙИЛ САҲНАДА

Дастлаб Маҳмуд Жўраев ижод этган ўнгдаги расмга қаранг. Бу ким ўзи? Нималарни ўйлаяпти? Кўнгил кўзгусида қандай воқеа-ҳодисалар-у, кимлар намоён бўляпти? Балки Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийни эслаётгандир? Ажаб эмас...

Санъатга ҳавас қўйганида, у жуда ёш эди. Дастлаб Қўқонда ўқиб юрган чоғларида мактаб ҳаваскорлик театрида қатнашди.

1919 йилнинг бошлари. Бу вақтда Ҳамза Ҳакимзода бош бўлган Қўқон драмтруппаси санъат шинавандаларига қизғин хизмат кўрсатиб турарди. Шу орада қизиқ «сир» содир бўлди: ҳеч ким йўқ пайтида кимдир театр саҳнасини супириб-сидириб кетарди. Бу ҳол ҳаммаданам Ҳамзани қизиқтириб қолди.

Бир куни йигитча «хизмат»ни бажариб кетаётган эди, шоир унн тутиб олди. У санъат ихлосманди Обид Ҳасанов экан.

Санъатга иштиёқи борлигини билган Ҳамза Обид Ҳасановни труппага қабул қилди ва унга таълим бера бошлади. Орадан беш-олти ой ўтар-ўтмас ёш артист Ҳамзанинг «Фарғона фожиаси» асаридаги босмачи образини муваффақиятли яратди.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Обид Ҳасанов ўшандан буён халқ хизматида.

Пенсияга чиққан бўлишига қарамай Обид ака санъатдан йироқлашгани йўқ. У ҳозир Ленин орденли ўзбек давлат академик драма театрида ишламоқда. янги образлар яратиш иштиёқида яшамоқда.

СУРАТДА: Обид Ҳасанов.



ҚАНДОЛАТЧАЛАР

Кўзгу

Чўйтакдан тушиб қолган битта кўзгуча беғубор осмонга тикилганича ётарди. Қуёшнинг ёлғиз ёттан кўзгучага раҳми келди-да, қайноққина меҳрини юборди. Кўзгуча қуёш нурини писанд қилмади ,яна ўзига қайтарди.

— Ҳа... ҳа,— деди у кўзларини ўйнатиб, — мен қуёшдан ҳам зўрман. Лекин, бечора билмас эдики, ундаги бу жасорат туйғуси орқасига суртилган қорамойдан эканини...

Соявон

Ёмғир жазавага тушиб ёғарди. Аммо соявон бепарво. у бошда кетаётгани учун магрур, ўзи ҳўл бўлса бўладики, эгасига содиқ.

Арик

Арик оқар сувдан ўпкалаб дейди:

— Сенинг лойқанг билан кўмилиб боряпман...

Билмайди арик, сув бўлмаса ўзининг қиммати нечоғлик эканини.

ХАР ТЎҒРИДА

Бўрдоқи каптарлар

Америка генетиклари бўрдоқига бўқиладиган каптарларнинг янги зотини кашф этдилар. Улар одатдаги каптарлардан икки марта каттароқ бўлиб, худди товуқ ва ўрдаклар каби учолмайди. Бундай каптарларни кўплаб етиштириш учун дастлабки феъмалар ташкил қилинди.

Энг митти устара

Энг митти электр устаралар Японияда ишлаб чиқариляпти. Унинг айланувчи пичоқчалари одатдаги қалемтарош корпусига жойлаштирилган. Жажжи батарейкалар эса шу корпуснинг ўзида штопор ва вилка ўртасида жойлашган.

Қулоқ—ақл хазинаси

Месопотамиянинг қадимий аҳолиси қулоқ — ақл хазинаси деб билган. Негаки, одам оқилона меҳнатларни қулоғи билан эшитади.

Яқинда собиқ Вавилон ўрнида қулоғи ниҳоятда катта бўлган ҳудонинг тасвирини топиб олишди... Топилма бундан 2800 йил илгари яратилган.

Сув ўрнига атир

Бу йил Познан кўчаларида баҳор иси ҳали сирень ва бошқа гуллар очилмасданоқ гуркиради. Шаҳар сув сепиш трести сув сепувчи машиналарга гул ҳидини берувчи аралашмалар жойлаб қўйди. Турли кварталларда яшовчи аҳоли ўзига маъқул бўлган гул ҳиди аралаштирилган сувни танлаб олиши мумкин.

Шарикли ручка қачон чиққан?

Шарикли авторучканинг тарихи ғалати. Бундай ручка 1921 йили кўйлакка ишлатиладиган тортма занжир билан биргаликда Францияда яратилган эди. Тортма занжирлар дарҳол оммалашиб кетди. Шарикли ручкалар эса 30 йилгача тарқалмади. Ҳозир бундай ручкалар йилига миллиардлаб чиқарилмоқда.

Таслим бўлишди

Ниҳоят, 40 йиллик курашдан сўнг франциялик парфюмерячилар таслим бўлишди. Улар Марокашдаги машҳур минора сирлари билан роппароса 40 йил олишдилар. Марокаш минораси бундан 800 йил илгари султон Ёқуб Мансур буйруғи билан қурилган эди. Бинокорлар минора тагига 960 бочка турли хил гул атрини тўкканлар.

Бугунги кунда ҳам минора ичига кирсангиз ажойиб ҳиддан ҳузур қиласиз. Хўш, улар қандай қилиб сақланиб қолди? Атирлар қандай гуллардан олинди? Жаҳонда ҳиди энг узоқ сақланадиган атир топишга уринаётган мутахассислар бу масала устида роса бош қотиришди. Улар тупроқ кавлаб мингларча тажрибалар ўтказишди. Лекин ўтмишнинг сирини очишолмади.

Чамаси араблар ўша вақтлардаёқ атир ҳидини узоқ сақлаб қолувчи модда топишган.

Пул ишқи

Америка кинокомпанияси ҳали Черчиль тириклигидаёқ унинг ҳаёти ҳақида фильм яратмоқчи бўлганини айтган эди.

Машҳур сиёсатчи бош қаҳрамон ролини ўйновчи артист нақадар катта пул олишини ҳисоблаб ўқиб қолдию, ўз ролимни ўзим ўйнайман деб туриб олди.

Қариндош-уруғлари Черчилни бир амаллаб бу ниятдан қайтаришди. Унинг шахсий врачи кучли лампалар тагида узоқ турсангиз соғлигингизга ёмон таъсир қилади демаганида ҳеч ким уни бу йўлдан қайтара олмасди.

НОТИНЧ УЙҚУ

Одатда куни билан ҳаракатда бўлган ва овқатни ўз вақтида истеъмол қилган киши кечаси тинч ухлаб ,наҳорда руҳи енгил тортиб туради. Лекин бу табиий ширин ҳолат ҳаммага ҳам муяссар бўлавермайди. Бировларнинг юраги ўйнайди, нафаси қисади, даҳшатли тушлар кўради, аланглайди, яна баъзи бир кишилар корни дам бўлади ёки қаеридадир оғриқ сезади. Баъзи кишилар кечаси турли хаёлларга ботиб кетишади, ҳеч ухлай олишмайди.

Куни билан тинч юрган одам нега кечаси шу аҳволга тушар экан? Чунки кечаси одам парасимпатик нерв (вагус) ихтиёрига ўтади. Бу нерв организмни осойишталикка, дам олишга чорлайди. Шунга қараб одамнинг ички ва ташқи аъзолари ўз фаолиятини ҳийла сусайтиради: юрак уриши, нафас олиши сусаяди. Мушаклар бўшашади, ошқозон ичаклар тинчланади. Шунинг билан бирга парасимпатик нерв оғриққа ёки бирор ноқулайликка жуда сезгир бўлади, қўрқув, алаҳлаш. вақима, кўпинча аёлларнинг кўзи ёриши, қазо ва ҳоказолар кечаси, яъни парасимпатик нерв навбатчилигида содир бўлади. Шунинг учун ҳам баъзи олимлар парасимпатик нервларни «қўрқоқ» нерв дейдилар.

Агар киши ётиш олдидан ачиқ-аччиқ чой ичса, у кечаси ухлай олмайди, ухласа ҳам қисқа, юзаки ва ,нотинч ухлайди. Чунки чой таркибида кофеин моддаси бор. Кофеин бош мияни қўзғатади. Бу жиҳатдан унинг таъсири симпатик нервга яқинлашади. Гўштли, ёғли овқатлар, уларнинг устидан ичилган чойнак-чойнак чойлар бутун ички аъзоларни қайта ишга солиб юборади. Эндиликда бу кишининг туни кундузга айланди деяверинг. Акс ҳолда, овқат ҳазм бўлмайди, қорин дам бўлади, оғрийди ҳам.

Тунги нотинчлик, ҳаттоки кўнгилсиз ҳодисаларнинг асосий сабабчиси спиртли ичимликлардир. Спиртли ичимлик асабни, юракни «қамчилайди», бинобарин киши девона тусига киради. Уйқу у ёқда турсин бир нафас ҳам у тинч туролмайди.

Тунги нотинчликнинг сабабларидан бири уйқудан олдин бузилган нерв асоратидир. Асабийлик асорати бош мияни қўзғатиб юборади, натижада турли-туман режалар, хаёллар мияга келаверади. Хаёлчанлик ҳам кишини кечаси бедор қилади. Шунингдек, ётоқ ернинг ҳарорати ошиб кетса, киши дамбадам уйғонади.

Киши тинч ухласин, ором олсин учун кечқурунги овқат меъёрида бўлсин. Аччиқ чой ичилмасин. Ётиш олдидан саёҳат қилиб юриш, ювиниш, артиниш кишини чуқур уйқуга мойил қилади. Аввало, киши хотиржам бўлиши керак. Халол меҳнат, тинч-тотув оила хотиржамлик гаровидир.

Асаб бузилмасин, кишининг жаҳли чиқмасин учун одамий муносабатларда бўлиш, бир-бирига чуқур ҳурмат айни муддаодир.

Агар кишининг кечаси юраги ўйнаб кетса, нафаси қисса, даҳшатли тушлар кўрса. қўрқса ёки вақимага тушса, юқорида айтилган тадбир амал қилмаса, у вақтда шифокорга мурожаат қилиш лозим бўлади.

З. ЭГАМБЕРДИЕВ,
медицина фанлари кандидати, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган врач.

РАССОМ ТАБАССУМИ



Соғлигингиз жойида-ку яхши қиз!

— Мен сизга қулоғим ортиқлиги ёқмаганини?..



— Шу зормандани бир кун ичмасангиз туролмай қолибсиз, дадаси!

— Бекор гап. Ун беш сутка бир грамм ичмай ўтказдим-у?!



Ошпаз:—йиғиқ бўлманг олифта йигит, шўрва совуқ эмас экан-ку?!

А. Ҳолиқов расмлари.



ПАРМА-ҲОРМА!

Пириллаб парма, Ёнимда ҳорма!
Мен ёш дурадгор, Ясайман дутор.
Ғижжак ҳам танбур. Чангдан неча тур.
Ҳар бир созанда, Юзида ханда,
Чертганида тор Биздан миннатдор.
Пириллаб парма Ёнимда ҳорма!

Обид РАСУЛОВ.

Қандай мазали...

А. Ашуров фотоси.
(ЎзТАГ) фотохроникаси.

ПАСТДАГИ СУРАТДА: пойтахтимизнинг Фрунзе районидаги 323-болалар боғчасининг дўндиқчалари.

И. Глауберзон фотоси.



● *Уй бекаларига маслаҳатлар*

КВАС ТАЙЁРЛАШНИ БИЛАСИЗМИ?

Ёзда ташналикни қондириш учун квас энг яхши ичимлик. Уни тайёрлаш эса унча қийин эмас. Масалан, беш-олти литр квас тайёрлаш учун бир килограмм қора нон, 25 грамм ачитқи, 200 грамм шакар ва 50 грамм майиз кифоя қилади. Нонни майда қилиб тўғранг ва духовкага қўйиб қизартириб қуритинг, сўнгра уни кастрюлкага солиб, устидан қайнатилган сув қуйинг. Копқоғини беркитиб, олти-саккиз соат ивитиб қўйинг. Шундан сўнг ҳосил бўлган эритмани докадан ўтказиб, унга қайнатилган иссиқ сувда қорилган ачитқини қўшиб, устидан шакар солинг. Идишнинг қопқоғини беркитинг ёки бўлмаса устини сочиқ билан беркитиб, иссиқ жойга қўйинг. Шу ҳолда беш-олти соат ачиши керак. Квас кўпикланса бошлаганда уни яна докадан ўтказинг, сўнгра шишаларга қуйиб, оғзини маҳкам беркитинг. Шишаларга олдиндан ҳар бирига бир неча донадан майиз ташлаб қўйиш керак. Шишаларни салқин жойга ётқизиб қўйинг. Икки-уч кундан сўнг квас тайёр бўлади.

ХОЛОДИЛЬНИК БЎЛМАСА

Албатта, озиқ-овқат маҳсулотларини сақлаш учун холодильникдан яхши нарса йўқ. Мабодо холодильник бўлмаса гўшт ва бошқа нарсаларни ёзда қандай сақлаш мумкин?

Агар гўштни сиркага ҳўлланган латтага ўраб қўйсангиз, бир-икки кун янгидек тураверади. Фақат овқат пиширишдан олдин гўштни совуқ сувда яхшилаб ювиш керак.

Лимон шарбати сепилган гўштнинг устига дока ёпиб, шамол ўтиб турадиган жойга қўйиб сақлаш мумкин. Бундай гўшт ҳар қандай жазирамада ҳам бир-икки кун айнимайди.

Озгина ёғ солиб қовирилган ва бироз туз сепилган гўшт бир неча кун туради.

Сариёғ анча узоқ сақланиши мумкин. Бунинг учун уни сув ўтмас қоғозга ўраб, номокопга ташлаб қўйиш керак. Идиш ости тарлека ёки қопқоқ билан ёпиб қўйилади. Шунингдек сариёғни сув аралаш сирка эритмасига ҳўлланган латтага ўраб қўйсангиз ҳам яхши сақланади.



Аслида ёзган иншомнинг мазмуни бундай. Бир боланинг укаси оғир бетоб бўлиб қолади. Бола бундан қаттиқ эзилиб юради. Укасининг оғирини енгил қилмоқчи бўлади, лекин иложини тополмайди. Охири ўйлаб-ўйлаб бир йўл топади. Ҳар кун ўрнига ётар чоғида: «Ё худо, укамни ўз паноҳингда асра. Дардини менга бера қол, розиман» деб пичирлайдиган бўлади. Кунлардан бирида кечаси у туш кўради. Бахайбат бир дев: «Мана, қилган дуоинг ижобат бўлди. Кани, жонингни менга таслим қил!» деб турган эмиш. «Мен укамга фидойилик қилмоқчи бўлувдим, жонимни олма!» деб бола қичқириб юборади. Онаси уйғониб кетади. Кўрпанг очилиб кетибди, ёмон туш кўрган бўлсанг керак, ўғлим, деб унинг устини ёпиб қўяди. Бола яна ухлаб қолади.

Фидойиликни қандоқ ўйлашимни тушунтира олибманми? Мен бу иншода фидойилик учун қилинадиган фидойилик устидан кулмоқчи бўлган эдим.

Тўртинчи ва бешинчи синф ўқувчиларини катта залга тўплашди. Ўқитувчилар ҳам йиғилди. Бизнинг синфимиздан олти, 5 «б» дан эса беш бола конкурсда қатнашадиган бўлди. Қуръа ташланди. Номеримизни билиб олдик. Мен саккизинчи бўлиб иншони ўқиб бердим. Директор билан ўқитувчиларнинг юзи буришгандай бўлди, демак, маъқул келмапти. Лекин залдаги болалар энг кўп менга чапак чалишди. Ҳамма ўз иншосини ўқиб бергач, ўқитувчилар баҳо чиқариш учун бошқа хонага ўтишди.

Улар чиқиб кетиши билан залда тўс-тўполон кўтарилди. Ҳар ким ёнидан резинка рогаткани олди, ўзаро отишма бошланди. Тўғрисини айтсам, шу кунларда рогатка мактабимизда расм бўлиб қолган. Рогаткасиз юрмайдиган ўғил бола йўқ. Ўқини қоғоздан қилишади-ю, лекин теккан жойи бирам ачишадики... Мен ўзим бу масалада сал ношудроқман. отган ўқим ҳечам мўлжалга тегмайди. Ҳатто тош ирғитишни ҳам билмайман. Ўртоқларим нуқул мени қиз боласга ўхшаб тош отасан, деб калака қилишади.

Бир пайт гарданим игна санчилгандек қаттиқ ачишиб кетди. Жон ҳолатда ёнимдаги болачинг кўлидан рогаткасини тортиб олиб, гез-тез ўқладим. Резинкани обдон чўзиб турибман. Бир отдим... Биласанми, Зайнаб, ўқ кимга тегди? Шу пайт залга ўқитувчилар билан директор бошлашиб кириб қолса бўладими!

Директор жаноблари гарданларини ушлаганларича бизга дарғазаб бўлиб ўқрайдилар.

— Кимнинг иши бу? Ким отган бўлса, бу ёққа чиқсин! деб ўшқирди 5 «б» синфи ўқитувчиси.

Бошимни эгиб, энди тураман деганимда ўқитувчимиз:

— Агар гуноҳкор ўрнидан турмаса, ҳаммангиз унинг касрига қоласиз. Ҳеч кимни бу ердан чиқармаймиз! — деб дағдаға қилди.

Конкурс мусобақаси бир ёқда қолиб кетди.

— Мен отгандим,— дедим ўрнимдан туриб.

Директор юзимга тикилиб қаради.

— Йўқ, отган сен эмассан!

— Мен эдим.

— Мен одамларни бир қарашда билиб оламан. Сен гуноҳкорга ўхшамайсан. Кўриб турибсанки, айбни ҳечким бўйнига олмаяпти, ўртоқларингни оғир жазодан қутқазиш учун энди сен ўзингни тутиб бераяпсан. Сен бу номаъқулгарчиликни қилмагансан.

Ҳолбуки бу гап менинг ҳаёлимда ҳам йўқ эди.

— Атайлаб қилганим йўқ, афандим... Тасодифан бўлди... Бошқа одамга отмоқчийдим. Қўлимдан чиқиб кетди...

Директор саҳнага чиқиб олди.

— Мана, болалар, кўрдингизми, фидойиликнинг асл намунаси бу. Гарчи айбдор бўлмаса ҳам; ўртоғингиз сизларни жазодан қутқариш учун ўзини фидо қиляпти. Ундан ўрнак олсангиз бўлади. Шу олижаноб ҳиммати эвазига сизларга энди жазо бермайман. Гуноҳингизни кечирдим. Ёзган иншоси унчалик яхши бўлмаса ҳам, мана шу ибратли иши учун уни бугунги конкурснинг ғолиби деб эълон қиламан.

Нима аҳволда қолганимни тушуняпсанми, Зайнаб? Фикрларим чувалашиб кетди. Айбдор бир пасда қаҳрамон бўлиб қолганига нима дейсан? Наҳотки фидойилик билан шўхликнинг ўртасида ҳеч қандай фарқ бўлмаса?!

Мактаб жуда жонимга тегди. Тезроқ китоб-дафтардан қутулсам дейман-у, лекин дадам ўзи ўқимагани учун бутун орзу-умидини менга тиккан. Лицейни битирганимдан кейин мени олий маълумот олиш учун чет элга юборморкчи. Шу хусусда ҳозирданоқ дадам билан оймнинг мурасаси келишмай турибди. Оймнинг мени юборгани кўнгли йўқ, соғиниб қоламан, дейди.

Билмадим, сенга қалай-у, лекин менинг назаримда вақт жуда секин ўтаётганга ўхшайди. Катта имтиҳонларга неча кун қоганини ҳисоблаб юриш учун ўзимга кўлбола календарь қилиб олганман. Якшанба ва каникуллар ҳисобга олинмаса, имтиҳонларга кўпам вақт қолгани йўқ. Лекин ҳар ҳолда кунлар жуда имиллаб ўтяпти-да.

Сенга ҳамиша шод-хуррамлик ва сиҳат-саломатлик тилайман.

Аҳмад ТАРБАЙ.

СЕНДАН БУНИ КУТМАГАН ЭДИМ

Истамбул.

7 декабрь 1963 йил.

Аҳмад.

Менга канда қилмай хат ёзиб турганинг учун раҳмат. Энг сўнгги хатингни ўқир экансан, қизиқ-қизиқ воқеалар фақат сенда учрар экан-да, деб ўйлаб қолдим. Ёки сен бўларни атайлаб бўрттириб ёзаяпсанми? Ҳар гал хатларингни завқ билан ўқиб чиқаман. Энди мен ҳам қўлимдан келганича сендан ўрганишга ҳаракат қиламан.

Ўтган куни бизнинг синфимизда ҳам қизиқ бир ҳодиса рўй берди. Танаффусга чиқанимизда роса мириқиб кулдик. Дарсда кулишга имкон бўлмади, чунки ўқитувчимиз ҳаддан ташқари жиғибийрон бўлган эди.

Менга таақлид қилмоқчи бўлиб, ҳақиқатни бўрттириб ёзяпти, деб ўйлама. Мен бор гапни оқизмай-томизмай айтиб бераман. Ичимдан ҳеч нарса қўшмасликка ҳаракат қиламан.

Дастлаб мен сени шу воқеанинг қаҳрамони билан таништириб ўтай.

Синфимизда Усмон деган бир бола бор. Ўзи аълочи. Арифметикага айниқса уста. Ҳамиша саранжом-саришта. Давотида нуқул ранг-баранг қаламлар бўлади, ҳаммасининг учи силлиқ қилиб очилган. Нега унинг қаламлари ҳечам синмайди, деб ҳайрон бўламан. Мен бундай қилолмайман. Қаламларим ўзидан ўзи ерга тушиб, синаверади. Керак бўлиб қолганида папкамдан бирорта ҳам учи бутун қалам тополмайман. Оймм шунисига ҳам шукр қил, деб мени юпатади. Чунки опам ўқиганида папкасида умуман қалам турмас, экан. доим йўқотиб юраркан. Демак, мен опамга қараганда анча саришта эканман.

Усмоннинг ёзма ишлари бирам кўркам бўладики! Ҳарф лари марварид донасига ўхшаб алоҳида-алоҳида ажралиб туради. Ёзма ишининг ҳар бир бетини у рангли қаламлари билан чиройли қилиб безайди. Кўрган кишининг ҳаваси келади. Ўқитувчимиз унинг ишларини ҳамиша бизга ўрнак қилиб кўрсатади. Мен ҳам Усмонга ўхшаб чиройли ва озода ёзмоқчи бўламан-у, лекин нуқул хатим суйкалиб, бўёқлар чаплашиб кетади.

Сизларда қандоқ билмадим-у, аммо бизнинг ўқитувчимиз ҳудонинг берган куни синфда ёзма иш ўтказади. Бу ҳам етмагандек, кун ора уйга ҳар саволлар бериб юборади. Буларга ҳам ёзма жавоб беришимиз керак.

Бир куни Усмон:

— Ўқитувчи ҳамма ёзма ишларимизни ўқишига кўзим етмайди, — деб қолди.

Мен ҳайрон бўлдим.

— Ўқимайдиган бўлса нега бизни овора қилади?

Усмон фикрида қатъий туриб олди.

— Хўш, ўқимаслигини нима билан исбот қиласан? —луқма ташлади бир бола.

— Кўрининб турган нарса бу. Мана, хомчўт қилиб кўрайлик. Ҳар куни бир марта ёзма иш ўтказадими?

— Тўғри, — бир оғиздан тасдиқлади ҳамма.

— Кунора уйга ҳам ёзма иш бериб юборадими?

— Шундоқ.

— Мана энди ҳисоблаб кўрамиз. Синфда неча кишимиз? Эллиқ иккими?

— Ҳа.

—Демак, ўқитувчимиз бир кунда эллиқ иккита иншони ўқиб чиқиши керак. Бундан ташқари кунора уйга ҳам вазифа беради. Бир кунга йигирма олтитадан тўғри келади. Бояги эллиқ иккига йигирма олтини қўшсак, етмиш саккиз бўлади. Демак, бир кунда у етмиш саккизта ишни ўқиб чиқиши керак экан. Қани, айтинг-чи, уйига қайтгач. у ёзма ишларимизни қачон кўра бошлайди?

— Ўзи билади. Сенга нима!

— Ҳисобга керак ахир. Битта ишни неча минутда кўриб чиқиш мумкин?

Усмон дарров ҳисоблаб чиқди. Маълум бўлишича, ёзма ишларни кўриб чиқиш учун камида ўн бир соат вақт керак бўларкан. Ўқитувчимиз кечаси билан мижжа қоқмай чиққан тақдирда ҳам бунга қурби етмас экан.

Буни эшитиб, болалар чурқ этмай қолишди.

— Ҳар ҳолда ўқиса керагов,— дедим жимликни бузиб.

— Ҳа, албатта, ёзма ишларимизни кўришга кўради,— жавоб берди Усмон.— Лекин ҳаммасини эмас. Танлаб кўради.

Орадан бир-икки кун ўтган эди, қизлардан бири менга:

— Усмоннинг тахмини тўғрига ўхшайди,— деб қолди.

Кейин бир воқеани айтиб берди.

Дугонамнинг уйи ўқитувчиникига яқин экан. Эрталаб мактабга келаётганида бирдан шамол кўтарилибди. Бундоқ қараса, ерда ҳар хил қоғозлар сочилиб ётганмиш. Керакли нарса бўлмасин тағин, деган хаёлда у энгашиб бир варақ қоғозни олибди. Бундоқ қараса, ўзининг кечаги ёзма иши эмиш. Олдинига ҳайрон бўлибди. Бу ерга қандай келиб қолдийкин. деб атрофига аланглабди. Кейин ўқитувчимизнинг уйи олдидаги ахлат қутисига кўзи тушибди. Қути тўла қоғоз эмиш.

— Ишонмасанг, мана, ўзинг кўр! — дея у менга қўлидаги ғижим қоғозни узатди.

— Ёзма ишларимизни кўриб чиққанидан кейин бирор ерга ташлайди-да. Нима, уларни сандиққа бисот қилиб босиб қўйсинми?— дедим пинагимни бузмай.

Тарих дарси эди.

— Ҳозир ўқитувчимизни бир синаб кўраман. Қани, ёзма ишларни кўрармикин ёки йўқми,— деб қолди бир пайт Усмон.

—Нима қилмоқчисан?

— Кейин кўрасан.

Ўқитувчимиз саволларни доскага ёзди. Ҳаммасига ёзма жавоб беришимиз керак. Мана, ўша саволлар: «Дафтардор, нишончи, бейлер-бейи, ажамиўғлон деб кимга айтилган? Султон Иброҳим даврига характеристика беринг.»

Усмон танаффусда нима иш қилганини гапириб берди. Роса кулишдик. Гапига қараганда у султон Иброҳим даврига характеристика бераётганида озгина тўғри гап қилибди-да, бу ёғини ичидан тўқибди. Кейин султон Иброҳимга атаб бир хат ёзибди. Хатнинг «Тенгтакларнинг тентаги бўлган султон Иброҳим тоға!» деб ёзиб қўйибди.

Шундан кейин бошқа саволларга ўтибди. Ёзган жавоблари шу эмиш:

«Бейлербейи — Босфор бўйидаги бекатнинг номи».

«Дафтардор — дафтари бор одам».

«Нишончи — мерган дегани. Синфимиздаги Четин деган боланинг лақаби шунақа. Биз уни кўр мерган, деб чақирамиз. Чунки футбол ўйнаб қолсак, дарвоза бир чеккада қолиб, у нуқул тўпни дераза га қараб тепади. Унинг дастидан мактабда бутун ойна қолгани йўқ»..

«Ажамиўғлон — синфимиздаги Ризо деган боланинг нак ўзи. Ҳечам ланка ўйнашни билмайди. Нуқул бизга малайлик қилгани қилган».

Усмоннинг гапларига унча ишонамедик. Ҳар ҳолда ара вани кўриб олиб қочган бўлса керак.

Эртасига у тоза ҳадиксираб қолди. Икки-уч кунгача юрагини ҳовучлаб юрибди-ю, лекин ўқитувчи бир оғиз бир нима демаганидан кейин анча ўзини босиб олди. Шу-шу у ўзбўлмачиликка ўрганиб қолди. Айтишича саволларга бир-икки қатор тўғри жавоб бераркан (Ўқитувчининг кўзини шамғалат қилиш мақсадидан!) бу ёғига хоҳлаган нарсасини ёзавераркан.

Усмон бизни пақиллатяпти, деб ўйлаб юрган эдик, лекин кечаги воқеадан кейин сира шубҳа қолмади.

Усмон бундай бўлди. Биринчи дарсга кириб, синфда ўтирган эдик. Салдан кейин эшик очилиб, ўқитувчимиз кириб қолди. Доим ҳушчақчақ юрадиган одамнинг бугун қовоғидан қор ёғиб турибди. «Салом, болалар!» деб ўдағайлаганича жойига бориб ўтирди.

— Қани, Усмон, ўрнингдан тур-чи!

Усмон жойидан, қўзғалди.

— Яқинроқ кел!

Усмон унинг олдига борди.

— Болалар! Икки кун олдин мен табииёт дарси бўйича сизлардан ёзма иш олган эдим. Эсингиздами? Мана ҳозир синфдошингиз Усмон ёзган ишини ҳаммамизга ўқиб беради.

Усмон лавлагидек қизариб кетди.

— Қани, ўқиб бер-чи! Нима ёзган бўлсанг, баринн ўқи! Саволларни ҳам қўшиб ўқи! — деб ўқитувчи қўлидаги ишни унга узатди. Усмон ноилож ўқий бошлади.

«Савол 1. Шамол нима?

У қандай ҳосил бўлади?

Жавоб. Ҳаво исигандан кейин унинг ҳажми кенгаяди, оғирлиги камаяди, натижада у тепага кўтарилади.

— Ўқи, ўқи. давомини ўқи!

— Тепага кўтарилган шамол... шамол... шамол.::

Усмон ғўлдираб қолган эди, ўқитувчи ўшқирди:

— Ҳа, шамолга нима қипти?!

— Шамол «Галатасарой» командасига кўп ҳалақит берди. Уйиннинг биринчи ярмида «Галатасарой» командаси шамолга қарши ўйнади. Лекин шунга қарамай галатасаройчилар чиройли комбинациялар ишлатиб, зўр маҳорат кўрсатишди. Ўйин жуда шиддатли бўлди. «Анқаракучи» командаси галатасаройчиларнинг зарбига бардош беролмади. Қаттиқ кураш вазиятида ўтган бу ажойиб ўйинда «Галатасарой» футбол командаси 2:1 ҳисоби билан ютиб чиқди.

«Савол 2. Бўрон деб нимага айтилади?

Жавоб: Секундига йигирма метрдан кўп тезлик билан эсадиган шамол бўрон деб аталади. «Галатасарой» командаси «Мидхатпошо» стадионида чинакам бўрон ясаб турган эди. Аммо судья ўз вазифасини яхши эплолмади. Метин-Шукрига бўрондек ҳамла қилган эди. Шукри оёғида туролмай йиқилиб тушди. Судья бунинг учун пенальти берди. Стадионда ўтирган футбол ишқивозлари бундан қаттиқ газабландилар».

Кулгидан ўзимизни зўрға тийиб ўтирибмиз. Орамизда пиқирлаб кулганлар ҳам бўлди. Усмоннинг овози титрай бошлади. Ҳижолатпазликдан йиғлаб юборадиган ҳоли бор.

— Бу нима қилганинг, Усмон?

Усмон ўқитувчига жавоб бериш ўрнига юзини тескари олди.

— Мен сени яхши ўқувчим деб билардим. Бу ишни сендан кутмаган эдим. Бор, жойингга ўтир!

Ростини айтсам, Усмон қўлга тушганидан ичичимдан хурсанд бўлдим.

— Хўш, қалайсан энди!— деб — танаффусда уни майна қилдим. — Ёзма ишларимизни текширар эканми?

Иттифоқо ўша куни кечқурун уйимизга меҳмон келди. Оймнинг дугонаси экан. Мен уни илгари ҳечам кўрмаганман. Меҳмон қайси мактабда неччанчи синфда ўқийсан, деб мендан сўраб қолди. Мен жавоб бердим.

— Муаллимнинг яқин дўстим бўлади, — деди у жавобимни эшитгач. Кейин оймга ўгирилиб, қизиқ гапни айтиб берди.

—Кеча бир кўриб ўтай, деб ўшанинг уйига борган эдим. Антиқа бир иш бўлди. Столининг устида бир кучоқ қоғоз уюлиб ётган экан. Бу нима, деб сўрасам, ўқувчиларимнинг ёзма иши, деди. Шунча ишни қачон ўқиб чиқасан, улгурмайсан-ку, деб ҳайрон бўлдим. «Ажойиб ўқувчиларим бор. Бирортасининг дафтарини берайми, ўқиб кўрасанми, деб қолди. Танлаб-танлаб, бирини узатди. Боланинг хати чиройли экан, жуда равон ёзибди. Сарлавҳаларнинг остини рангли қалам билан эринмай чизиб чиқибди. Муҳим сўзларнинг остига ҳам қалам тортилган. Ёзма иши шамолдан экан. Озгина ўқишим билан озгина очилиб олди. Боласи тушмагур шамолни тушунтириб бериш ўрнига «Галатасарой- Анқаракучи» командалари ўртасидаги футбол ўйинини таърифлабди. Ўзиям тоза мириқиб кулдим». Дўстим ҳайрон бўлди. Нега кулаётганимни сўради. Ёзма ишни ўзига бердим. Ўқиб чиқди-ю, тепа сочи тик бўлиб кетди. Мен уни яхши ўқувчим деб юрардим, шу ишни қилади, деб ўйламовдим, деди.

Усмон яна ҳақ бўлиб чиқди. Очиғини айтсам, мен ҳам ўқитувчимиздан шу ишни кутмаган эдим. Қаттиқ ранжидим. бўлган воқеанинг ҳам- эздим.

Омон бўл, қадрдон дўстим Аҳмад. Тез-тез хат ёзиб тур. Хўпми? Синфдош ўртоқлардан ҳам дарак бер. Хатингни кутаман.

Зайнаб ЁЛҚИР.

(Давоми бор)

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.

ДАВОМИ. Боши газетанинг ўтган сонларида.

---

*). Изоҳ. Бу сўзларнинг ҳам маси Туркия тарихига оид. Дафтардор бирор вилоятнинг молия ишлари билан шуғулланган шахс. Нишончи— подшох аъёнларига инъом этилувчи имтиёз қоғозларига сарой муҳрини босадиган шахс, муҳрдор. Бейлербейи —кичик вилоят ҳокими, тўра. Ажамиўғлон — ҳали ҳарбий таълимни тугалламаган аскар. (Тарж.)

• РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР •

РАДИО

7 ИЮНЬ

ШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 Ўзбек кинофильмларидан кўшлар. 18.40 Спорт эшиттириши (ўзбекча). 19.20 Ўрта Осиё республикалари халқларининг қўшиқлари. 20.00 «ЛЕНИННОМА» программаси (ўзбекча). 20.30 Оммавий қўшиқлар (ўзбекча). 21.00 «Кардош коммунистик партиялар ҳаётидан» (ўзбекча). 21.10 Қишлоқ хўжалик ходимлари учун концерт. 22.20 «Шанба оқшомида» деган концерт. 23.00 СОВЕТ ВА МОНГОЛ ЕШЛАРИ ДЎСТЛИГИ ФЕСТИВАЛИ КУНДАЛИГИ 23.15 «Дам олиш соатида» деган концерт.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

19.00 Ҳажвий ҳикоялар (ўзбекча). 19.30 «Михайловское қишлоғи ҳақида хотиралар» деган адабий кундалик (русча). 20.00 Ёш ижрочилар куйлайди (тожикча). 20.30 Озарбайжон куйлари. 20.50 «Китоб токчасида» (русча). 21.00 Рақс куйлари. 21.40 Енгил саноат ходимлари кунига бағишланган очерк ва концерт (татарча).

8 ИЮНЬ

ЯКШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

ЕНГИЛ САНОАТ ХОРИМЛАРИ КУНИ

6.15 Тонгги концерт. 7.40 «Мактаб ва жамоатчилик» циклидан эшиттириш (ўзбекча). 8.25 Лирик концерт. 9.30 Шарқ халқлари куйлари. 10.10 «ТАБАССУМ» радиожурнали. 11.35 Халқ талантлари концерти. 12.15 «Эрталабки салом» (Москва). 13.30 Енгил саноат ходимлари учун эшиттириш ва концерт (русча). 15.10 Енгил саноат ходимларининг талабларига мувофиқ концерт (ўзбекча). 15.50 «Олмалиқ зарбдори» (ўзбекча). 15.55 СОВЕТ ВА МОНГОЛ ЕШЛАРИ ДЎСТЛИГИ III ФЕСТИВАЛИНИНГ ЕПИЛИШИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ КЕЧА. Санъат саройидан олиб эшиттирилади. 19.20 Ўзбекистон санъат усталарининг концерти. 20.00 «ЕШЛИК» радио станциясининг программаси. 21.00 «Мамлакатлар ва қитъалар» деган эшиттириш (ўзбекча) 21.10 Дала меҳнаткашлари учун концерт. 22.20 «Табассум» радиожурнали. Такрорий эшиттириш. 23.20 «Хайрли кеч» деган концерт.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

8.25 Вокал ансамбларининг концерти. 9.15 Реклама ва эълонлар.

19.00 Москва. Халқаро шарҳловчилар даврасида. 19.30 Ўзбекистон радиоси эстрада оркестри солистларининг концерти. 20.00 «Юность» радиостанциясининг программаси (Москва). 21.00 Тожикистон ва Ўзбекистон санъат усталари ижросида қўшиқлар. 21.40 Ю. Николаев. Украин темаларидаги сюита.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

13.00 Д. Верди. «Риголетто» операси. 16.00 Ўзбек давлат филармонияси симфоник оркестрининг концерти.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРДА —8|VI да **Жизель.**

ҲАМЗА НОМЛИ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 8|VI да **Уғирланган умр**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРДА — 8|VI да **Фарғона тонг отгунча,** 9|VI да **Тошболта ошиқ.**

Кино

7 ИЮНДА

ҚИШКИ БИНОДА

Анна Каренина — САНЪАТ САРОЙИ (кеч соат 7 яримда).

Бриллиант қўл — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ВОСТОК», «ДРУЖБА», «ЧАЙКА» (кечқуруи).

Ҳаводаги саргузаштлар — «ЎЗБЕКИСТОН», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кечқуруи), «МОСКВА» (кундуз кеч 7.20 минутда).

Далиллар керак — НАВОИЙ номли (кечқурун), «МОСКВА» (кеч 9.30 минутда),

ЕЗГИ БИНОДА

(Кеч соат 8.40 ва 10.30 минутларда бошланади)

Бир юз биринчи сенатор — «ХИВА», ТЕЛЬМАН номли.

Ҳаводаги саргузаштлар — «ФЕСТИВАЛЬ».

8 ИЮНДА

ҚИШКИ БИНОДА

Бриллиант қўл —«ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ВОСТОК», «ДРУЖБА», «ЧАЙКА» (кундуз ва кечқурун).

Ҳаводаги саргузаштлар — «ЎЗБЕКИСТОН», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун), «МОСКВА» (кундуз соат 2.20, 5 ва кеч 7.20 минутда):

Далиллар керак — НАВОИЙ НОМЛИ (кундуз ва кечқурун), «МОСКВА» (кундуз соат 12.30 ва кеч 9.30 минутларда):

ЕЗГИ БИНОДА

(Кеч соат 8.40 ва 10.30 минутларда бошланади)

Бир юз биринчи сенатор — «ХИВА», ТЕЛЬМАН номли.

Ҳаводаги саргузаштлар — «ФЕСТИВАЛЬ».

ТОШКЕНТ ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИГА

бухгалтер, комендантлар, слесарлар, санитария техниклари, дурадгорлар, стенографистлар

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Навоий кўчаси, 13-уй, кадрлар бўлими.

ТОҒ ҚУТҚАРИШ ҚИСМЛАРИ ШТАБИГА

бош бухгалтер, бош бухгалтер ўринбосари

КЕРАК

Меҳнат ҳақи смета бўйича. Бепул коммунал хизмат ва бошқа енгилликлар берилади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Свердлов кўчаси, 14 уй. Телефон № 3-3-58-16.

ДИССЕРТАЦИЯ ЁҚЛАЙДИЛАР

18 июнь кундуз соат 2 да Ўзбекистон ССР Фанлар академияси физика-техника ва математика фанлари бўлимининг физика бўйича бирлашган илмий совети кенгаши (физика-техника институтининг конференц-зали, Обсерватория кўчаси, 85 уй) физика-математика фанлари канди. дати илмий даражасини олиш учун

М. М. Гаджиалиев; «п— типли антимонид ва арсенид индийда квантли галъвано ва термомагнит ҳодисалари» деган темада;

М. Канеев; «Кадмий сульфидида радиацион дефектларнинг ҳосил бўлиши ва кўчишини тадқиқ қилиш» деган темада:

Диссертациялар билан академия кутубхонаси (А. Тўқаев кўчаси, 1 уй) да танишиш мумкин.

19 июнь кундуз соат 2 да Ўзбекистон ССР Фанлар Академияси физика-техника ва математика фанлари бўлимларининг техника фанлари бўйича бирлашган илмий совети кенгаши (химия институтининг конференц-зали, Куйбишев кўчаси, 14 уй) да техника фанлари кандидати илмий даражасини олиш учун

А. П. Астафьев; «Алгомерловчи куйдириш мисолида сис. темаларни статистик моделлаштириш ва оптималь бошқариш» деган темада;:

М. П. Мухторов; «Тезокарларни гидравлик ҳисоблашда аэрацияни назарга олиш» деган темада

Диссертациялар билан академия кутубхонасида танишиш мумкин (А. Тўқаев кўчаси, 1 уй).

19 июнь кундуз соат 2 да В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университетининг филология фанлари бўйича илмий даражалар бериш илмий совети кенгаши (Университет кўчаси, студентлар шаҳарчаси, бош корпус, ТошДУ, Г-309 аудиторияда филология фанлари доктори илмий даражасини олиш учун

Е. Л. Дратва; «Мактабнинг табиатшунослик ва химия дарсларида эксперимент ва кўргазмалик экран воситаларининг бирга қўлланиши» деган темада;

М. Набихонов; «СССР география курсида географик тасаввур ва тушунчалар ҳосил қилишда кўргазмалик бадиий воситаларининг роли ва қўлланиши (Ўзбекистон материаллари асосида)» деган темада

Диссертациялар билан институт кутубхонасида танишиш мумкин.

20 июнь кундуз соат 2 да Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институтининг педагогика фанлари бўйича бирлашган илмий совети кенгаши (Педагогическая кўчаси 103 уй акт зали)да педагогика фанлари кандидати илмий даражасини олиш учун

Е. Л. Дратва; «Мактабнинг табиатшунослик ва химия дарсларида эксперимент ва кўргазмалик экран воситаларининг бирга қўлланиши» деган темада;

М. Набихонов; «СССР география курсида географик тасаввур ва тушунчалар ҳосил қилишда кўргазмалик бадиий воситаларининг роли ва қўлланиши (Ўзбекистон материаллари асосида)» деган темада

Диссертациялар билан институт кутубхонасида танишиш мумкин.

ТЕЛЕВИЗОР

7 ИЮНЬ

ШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА
ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

Ўзбек тилида: 17.10 Болалар учун концерт. 17.40 Болалар учун «Балиқчи ва балиқ ҳақида эртак». Мультфильм. 18.10 ДЎСТЛИК САТРЛАРИ. Монгол шоирларининг шеърлари. 18.25 Телевизион янгиликлар. 18.40 «ЕШЛИК» студияси кўрсатади. «Истиқбол эгалари». Тележурнал. 19.25 Кўрсатувлар программаси.

МОСКВА КЎРСАТАДИ

19.30 «Ҳаммамиз бир стадиондамиз» Умумиттифоқ репортажи. 20.30 Янгиликлар. 20.45 Рангли телевидение программаси. 22.15 «Русия бўйлаб». Бадиий фильм. 23.45 Янгиликлар 24.00 «Венесуэлада коммунистлар» Халқаро программа. 00.30 Болгария телевидениесининг программаси. Эстрада концерти. 01.10 Совет қўшиқлари лауреатлари конкурсининг якунловчи концерти. 02.30 Фақат фактлар, кўрсатувлар программаси. 02.45 Москва кўрсатишларининг охири.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА
МОСКВА КЎРСАТАДИ

19.00 СССР халқлари телевизион атласи. Бурятистон АССР.

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

Ўзбек тилида: 20.00 Шанғитбоев, Муҳамедов. «ЖОН ҚИЗЛАР» Муқимий номидаги музыкали театрининг спектакли олиб кўрсатилада. Танаффус вақтида реклама.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 ДУШАНБА ТЕЛЕСТУДИЯСИНИНГ КЎРСАТУВЛАРИ.

8 ИЮНЬ

ЯКШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

9.55 Кўрсатишлар программаси.

Рус тилида: 10.00 Болалар учун. «Халифа,— лайлак» деган фильм-эртак 11.05 «Колокольчик» клуби.

Ўзбек тилида: 11.40 «Роса соат 3 дан 15 минут ўтганда». Болалар учун мультфильм. 12.00 «Довюрак Том». Ёш томошабинлар театрининг спектакли олиб кўрсатилади. 13.40 «Қишлоқ чироқлари» (козоқ тилида эшиттириш). 15.55 Кўрсатувлар программаси 16.00 САНЪАТ САРОЙИДАН СОВЕТ-МОНГОЛ ЕШЛАРИ III ДЎСТЛИК ФЕСТИВАЛИНИНГ ЕПИЛИШИГА БАҒИШЛАНГАН МИТИНГ ОЛИБ КЎРСАТИЛАДИ.

19.00 Бугун енгил саноат ходимлари куни. 19.30 «Ахборот» киноформацион программаси рус тилида 20.00 Енгил саноат ходимлари учун концерт. 20.30 «Ўн иккинчи кеча». Бадиий фильм (рус тилида). 21.55 «Ахборот» информацион программаси. 22.25 Ўзбекистон халқ ҳофизлари. Маъмуржон УЗОҚОВ.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА
МОСКВА КЎРСАТАДИ

12.00 Болаларнинг эрталабки гимнастика машғулотлари. 12.15 Янгиликлар. 12.30 Ўқувчилар учун. «Будильник». 13.00 Музкалц киоска. 13.30 Санъат музейидан репортаж. 14.00 Ўсмирлар учун адабий альманах. 15.00 Ўқувчилар учун ГДРдан эшиттириш олиб кўрсатилади. 16.00 Кино янгиликлари.

17.00 Совет Армияси ва Флоти жангчилари учун, «Биз Качилигимиз» Репортаж. 17.30 Енгил саноат ходимлари кунига бағишланган эшиттириш

18.00 Рангли телевидение программаси. 19.30 Қиносаёҳатчилар клуби 20.30 Болгар фильмлари фестивали. 21.50 Янгиликлар. 22.00 Бокс бўйича Европа биринчилиги финал ўйинлари. 01.00 «Ётти кун» Халқаро программа. 01.45 Москва кўрсатишларининг охири.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА
ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

20.00 Пойтахтимиз меҳмонлари. СССР халқ артисти Тўйт Қуузик концерти.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ 4 БЕТ. 7 ИЮНЬ, 1969 й.

«ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ» орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: Тошкент шаҳар, Дзержинский кўчаси, 15-уй. Редакция телефонлари: Коммутатор—33-02-49 дан 33-02-58 гача, редактор ўринбосарлари 33-29-33, 33-29-09, масъул секретарлар—33-27-22, партия совет ва касаба союз ташкилотлари шаҳар хўжалиги бўлимлари 33-29-42, адабиёт санъат ва маданият бўлими 33-29-55, хатлар ва оммавий ишлар, физкультура ва спорт бўлимлари—33-29-70, фан ва олий ўқув юртлари, иллюстрация бўлимлари 33-27-57, Саноат транспорт, қурилиш бўлимлари 33-27-03, аҳборот бўлими 33-65-57, эълонлар бўлими 33-81-42.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриётининг босмахонаси Тошкент шаҳри

НАШР 2771. Р. 09501 Индекс 64579.